



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
АМНИСТИЯ ТУГРИСИДАГИ
ФАРМОНЛАРИ

1991-2004

УКАЗЫ ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ АМНИСТИИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ
ФАРМОНЛАРИ

1991 – 2004

УКАЗЫ ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ АМНИСТИИ

Тошкент — 2005

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИ**

1991 — 2004


**УКАЗЫ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ АМНИСТИИ**

Ушбу тўпламга 1991—2004 йиллар давомида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармонлари, Фармойишлари ва ушбу Фармонларни амалиётда қўллаш тартиби ҳақидаги Низомлар киритилган.

Тўплам судьялар, адвокатлар, суриштирув ва тергов органлари ходимлари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар учун мўлжалланган.

Расмий нашр учун масъул:

**Б.Наимов
В.Назаров**



© Ўзбекистон Республикаси Олий суди
бирлашган таҳририяти, 2005 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ
ФАРМОНЛАРИ

1991 – 2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган қуйидаги шахслар жазодан озод қилинсин:

- а) 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;
- б) I ва II гуруҳ ногиронлари;
- в) вояга етмаган болалари бўлган ва ҳомиладор аёллар;
- г) Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар.

2. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган аёллар жазодан озод қилинсин.

3. 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган вояга етмаган ўғил болалар жазодан озод қилинсин.

4. Фармоннинг 1 ва 2-моддаларида айтиб ўтилган шахслар сургун ва бадарга каби қўшимча жазони ўташдан озод қилинсин.

5. Фармоннинг 1, 2 ва 3-моддалари таъсирига тушмаган ҳамда оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек эҳтиётсизлик натижа-сида содир қилинган жиноятлар учун биринчи марта судланган шахсларга ўталмаган жазо муддатининг ярми қисқартирилсин.

6. Терговдаги ва ҳали судда кўрилмаган қуйидаги барча ишлар:
а) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 1-моддасида санаб ўтилган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар ҳақидаги;

б) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 2-моддасида айтиб ўтилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги;

в) ушбу Фармон кучга киргунга қадар Фармоннинг 3-моддасида санаб ўтилган шахслар томонидан содир этилган ва қонунда 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгиланиши кўрсатилган жиноятлар ҳақидаги ишлар ҳаракатдан ётқизилсин.

7. Фармоннинг 1, 2, 3 ва 5-моддаларида айтиб ўтилган қуйидаги шахсларга:

а) алоҳида хавфли давлат жиноятлари учун, шунингдек миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликини бузганлик; давлат сирини ошкор қилганлик; бандитизм; ахлоқ тузатиш меҳнат колониялари фаолиятини издан чиқарувчи хатти-ҳаракатлар; контрабанда; оммавий тартибсизликлар; қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозларни ясаганлик ёки ўтказганлик; валюта операциялари қоидаларини бузганлик учун ҳукм қилинганларга;

б) алоҳида хавфли рецидивист деб танилганларга;

в) қасддан одам ўлдирганлик; қасддан оғир тан жароҳати етказганлик; милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда номусга текканлик; давлат, кооператив ёки жамоат мулкига таъмагирлик қилганлик; давлат ёки жамоат мулкани алоҳида йирик миқдорларда талон-торож қилганлик; давлат ёки жамоат мулкани хонага ёки мулк сақланадиган жойга кириб ўғирлаганлик; уйга кириб ўғирлик қилганлик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда талончилик; босқинчилик; айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда таъмагирлик (рэкети); айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора берганлик, пора олиш ва беришда воситачилик қилганлик; ашаддий безорилик, ўта ашаддий безорилик учун, шунингдек Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 209², 209³, 210¹-моддаларида; 213-моддасининг 2-қисмида ва 216², 216³, 216⁴, 216⁵-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлик учун жазога ҳукм қилинганларга;

г) қасддан содир этилган жиноятлар учун бир неча бор судланганларга ҳамда Фармон мазкур моддасининг “а” ва “в” бандларида кўрсатилган жиноятлар учун судланганларга;

д) аввал афв этиш ёки амнистия туфайли жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир қилганларга;

е) алкоголизм, гиёҳвандлик ёки таносил касаллигига қарши да-
волаш курсини тўлиқ ўтмаганларга;

ж) жазони ўташ даврида режимни ашаддий бузувчиларга нисба-
тан амнистия қўлланилмайди.

8. Ушбу Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга кира-
ди, фақат Ўзбекистон ССР судлари томонидан судланган ва рес-
публика тергов органлари томонидан жиноий жавобгарликка тор-
тилган шахсларга татбиқ қилинади ва уч ой ичида ижро этилиши
лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 31 август
№ ПФ-240

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

№ Ф-80

1991 йил 6 сентябрь

Республика Конституциясининг 118⁶-моддасига мувофиқ ва
«Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши
муносабати билан афв тўғрисида» 1991 йил 31 августдаги Фармонни
ижро этиш юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Ўзбекистон
Республикаси Олий Суди билан биргаликда:

а) иши ва қилган жиноятлари тўғрисидаги материаллар судда
булган ҳамда Фармон чиққунга қадар кўриб чиқилмаган шахсларга,
шунингдек қилган жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган,
биноқ ҳукм қонуний кучга кирмаган шахсларга;

— ҳукми ижро этиш қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда
кечиктирилган маҳкумларга ҳамда Жиноят мажмуасининг 43-
моддасига мувофиқ шартли равишда жазога ҳукм қилинганларга;

— жарима тўлашга ҳукм қилинганларга (фармон чиққунга қадар
жарима ундириб олинмаган бўлса);

— жазони ўташдан шартли равишда муддатидан илгари озод қилинган шахсларга ҳамда фармон чиққунга қадар жазонинг ўталмаган қисми бирмунча енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан афвни қўлланиш зиммасига юклатилган судларни уч кун муддат ичида аниқлаш;

б) фармонни ижро этиш учун судларга амалий ёрдам бериш топирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан биргаликда:

— озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган маҳкумлар ёки меҳнатга мажбурий жалб этиш билан озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганлар ва меҳнатга мажбурий жалб этиш йўли билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинган шахсларга (Афв этиладиган ва жазо муддатини республикадан ташқарида ўтаётган шахсларга нисбатан афв тўғрисидаги 1991 йил 31 август Фармони дарҳол ижро этилиши таъминлансин);

— иши ва қилган жиноятлари тўғрисидаги материаллар дастлабки тергов органларида бўлган шахсларга;

— ўзига нисбатан чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, бироқ ҳибсга олинмаган ёки мажбурий меҳнатга жалб этиш билан озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинган ва иш жойига юборилмаган шахсларга;

— сургун қилиш, мамлакатдан чиқариб юбориш, озодликдан маҳрум этилмай ахлоқ тузатиш ишлари, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан афвни қўлланиш вазифаси юклатиладиган ички ишлар органларини, жумладан жазони ижро этувчи, шунингдек дастлабки тергов ишларини олиб борадиган идораларни уч кун муддат ичида аниқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва район Кенгашлари ижроия комитетлари афв тўғрисидаги фармонни ижро этиш юзасидан белгиланган тартибда кузатувчи комиссиялар иштирок этишини, шунингдек Фармон асосида жазодан озод қилинган шахсларни ҳисобга олиш ва ишга жойлаштиришни ана шу тоифадаги озод қилинган ёлғиз кишиларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштиришни, жазодан озод қилинган вояга етмаган болаларни ота-оналар, васийлик идоралари назоратига ўтказишни, зарур

ҳолларда уларни болалар уйларига, интернат мактабларга ёки бошқа ўқув юртларига юборишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Прокуратура ва Олий Суд билан биргаликда уч кун муддат ичида ушбу Фармонга мувофиқ афвни қўлланишга доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва ижро этиш учун ўзларига қарашли идораларга юборсинлар. Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 1991 йил 1 декабригача ахборот берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан афв тўғрисида»ги Фармон аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

6. Ушбу Фармойиш бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг давлат-ҳуқуқ бўлими зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЖАҲОН МИЛЛАТЛАР ҲАМЖАМИЯТИГА АЪЗО БЎЛГАНЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка багишланган Хельсинки Кенгашининг якунловчи ҳужжатларини тасдиқлаганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этиш юзасидан халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олганлиги муносабати билан, жамият учун унча хавfli бўлмаган айрим ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан раҳм-шафқат ва инсонпарварлик кўрсатиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум этишдан иборат жазодан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазодан озод қилинсин:

а) Улуг Ватан Урушининг қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) оғир бўлмаган жиноятлари учун 3 йил муддатгача биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган балоғат ёшига етмаганлар, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган балоғат ёшига етмаганлар;

в) эҳтиётсизлиги оқибатида жиноят содир этган маҳкумлар (Жиноят кодекси 208-моддасининг 2 ва 3-қисмлари бундан мустасно);

г) меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек шартли равишда озод қилинганлар;

д) биринчи марта оғир бўлмаган жиноятни қасддан содир этган,

суд жазони манзилгоҳ-колонияларда ўташни тайинлаган, белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган маҳкумлар;

е) эҳтиётсизлиги оқибатида содир этган жиноятлари ва қасддан содир этган оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта интизомий батальонга юборишга ҳукм қилинган, белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб қўйган, шунингдек ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлиги учун ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар;

ж) балоғат ёшига етмаган болаларга эга бўлган аёллар, (ҳомилadorлар); 60 ёшдан ошган маҳкумлар; I ва II гуруҳ ногиронлари; (ўта хавфли давлат жиноятларини ҳамда ушбу Фармоннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинганлар ва жинойий жавобгарликка тортилганлар бундан мустаснодир).

2. Оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун ҳукм қилинган, жазо муддатининг қолган қисми олти ойдан камроқни ташкил этадиган шахслар озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қўйидаги шахсларнинг жазони ўташда қолган муддатининг ярми қисқартирилсин:

а) оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир қилган балоғат ёшига етмаганлар;

б) йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун (Жиноят кодекси 208-моддасининг 2-қисми).

4. Қасддан қилинган жиноятлар учун, шунингдек оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганларнинг жазони ўташда қолган муддатининг учдан бир қисми қисқартирилсин.

5. Қўйидаги тергов ишлари ва судлар кўриб чиқмаган ишларнинг ҳаммаси ётқизилсин:

а) Фармон 1-моддасининг “а”, “б”, “ж” бандларида кўрсатиб ўтилган шахслар мазкур Фармон кучга киргунга қадар содир этган жиноятлар тўғрисидаги;

б) ҳарбий хизматдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан.

6. Амнистия Фармоннинг 1, 3, 4, 5-моддаларида санаб ўтилган қўйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

а) ўта хавфли давлат жиноятлари содир этганлик, шунингдек миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлилиқни бузганлик;

давлат сирини ошкор этганлик;

бандитизм;

ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ишини издан чиқарувчи хатти-ҳаракатлар қилганлик;

контрабанда;

оммавий тартибсизликлар;
сохта пул ва қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаганлик ёки сотганлик
учун жазога ҳукм қилинганлар ва жиноий жавобгарликка тортил-
ганлар;

б) ўта хавфли ашаддий жиноятчилар деб топилганлар;

в) қасддан одам ўлдирганлик;

қасддан оғир тан жароҳати етказганлик;

милиция ходими ёки халқ дружиначисининг ҳаётига тажовуз
қилганлик;

номусга текканлик;

товламачилик қилганлик (рэкёт);

фирибгарлик;

алоҳида катта миқдордаги давлат ёки жамоат мулкни талон-
торож қилганлик;

алоҳида белгилари бўлган ҳолатда давлат, жамоат ёки шахсий
мулкни ўғирлаганлик;

талончилик;

босқинчилик;

жиноятни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора бер-
ганлик ёки порахўрликда воситачилик қилганлик;

ашаддий, ўта ашаддий безорилик, шунингдек республика Жи-
ноят кодекси 100-моддасининг 2-қисмида, 101, 101¹, 102², 209²,
209³, 210¹, 216², 216³, 216⁴, 216⁵ ва 216⁶-моддаларида кўзда тутил-
ган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар ва жиноий жавобгарликка
тортилганлар;

г) қасддан қилинган жиноятлар учун бир неча марта озодликдан
маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек Фармон ушбу мод-
дасининг “а” ва “в” бандларида кўрсатиб ўтилган жиноятлар учун
илгари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар;

д) афв ёки амнистия тартибида илгари жазодан озод қилинган
ва яна қасддан жиноят содир этганлар;

е) ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки таносил касалликларидан
тулиқ даволанмаганлар;

ж) жазони ўташ вақтида тартибни қасддан бузувчилар.

7. Мазкур Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга ки-
ради, Ўзбекистон Республикасининг судлари ва унинг ҳудудида
жойлашган ҳарбий трибуналлар ҳукм қилган, шунингдек рес-
публиканинг тергов органлари жиноий жавобгарликка тортган
шахсларгагина жорий қилинади ва олти ой давомида ижро эти-
лиши лозим.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жазодан озод қилинган ҳамда диспансер рўйхатидаги I ва II гуруҳ сил касалига чалинганларни белгиланган тартибда ҳисобга олишни ва махсус даволаш муассасаларига юборишни ташкил этсинлар.

9. Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳамда Олий суди билан биргаликда уч кун муддат ичида ушбу Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсинлар ва уни тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 6 апрель
№ ПФ-374

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

№ Ф-163

1992 йил 5 май

“Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида” 1992 йил 6 апрелдаги Фармонга мувофиқ:

1. Мазкур Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тақдим этган Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг маъмурий-ҳуқуқий органлар бўлими зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида” 1992 йил 6 апрелдаги Фармони бажаришга доир ишлари ташкил этиш ҳақидаги**

Н И З О М

“Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида” 1992 йил 6 апрелдаги Фармонни бажариш куйидагилар зиммасига юкланади:

а) озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган маҳкумларга, шунингдек меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳамда меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан ҳибсдан шартли равишда озод қилинган шахсларга нисбатан—жазони ижро этиш билан шуғулланувчи органлар зиммасига.

Фармон ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, махсус комендатура, тарбия-меҳнат муассасаси бошлиғининг “Ҳоким ижроия аппарати ҳузуридаги кузатувчи комиссия билан келишилган ва прокурор томонидан маъқулланган” қарори билан қўлланилади. Маҳкумнинг тақдирланиши ва жазоланиши тўғрисидаги маълумотнома, унинг шахсий делоси ва амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ушбу қарорга илова қилинади;

б) содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлар ва материаллар тергов ва дастлабки тергов органлари ихтиёридаги иш жараёнида бўлган шахсларга нисбатан — мазкур органлар зиммасига;

в) судлар зиммасига:

содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлар ва материаллар судларда бўлган ҳамда Фармон кучга киргунга қадар ишлари кўриб чиқилмаган шахсларга нисбатан, шунингдек содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган, аммо ҳукм қонуний кучга кирмаган шахсларга нисбатан;

қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳукмларни ижро этиш муддати кечиктирилган маҳкумларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ шартли ра-

вишда ҳукм қилинганларга нисбатан (амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ички ишлар органларининг тақдимномасига биноан суд ҳал қилади);

жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳукм чиқарган суд ҳал қилади);

жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод қилинган шахсларга ва жазонинг ўталмаган қисми Фармон эълон қилинганга қадар бир мунча енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан (амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани шартли равишда муддатидан илгари озод қилишни қўлланиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини бир мунча енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисида ажрим чиқарган суд ҳал қилади);

г) ички ишлар органлари зиммасига:

ҳукм қонуний кучга кирган шахсларга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, аммо ҳибсда сақланмаётган ёхуд меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, иш жойига юборилмаган шахсларга нисбатан;

жазони сургун, бадарға, озодликдан маҳрум қилмай ахлоқ тузатиш ишларини адо этиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида ўтаётган шахсларга нисбатан;

д) интизомий батальонга жўнатишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчиларга нисбатан — интизомий батальонларнинг қўмондонлиги зиммасига.

2. Ҳар бир шахсга нисбатан амнистия қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги қарор қатъиян якка тартибда, у билан суҳбат ўтказилгандан кейин ва шахсий дело материалларига синчиклаб баҳо бериш, маҳкумнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, белгиланган ҳибс тартибига риоя этиши ҳамда унинг жазони ўташ вақтида ёки жазони ўташ вақтининг кўп қисмида меҳнатга муносабати ҳақидаги маълумотлар асосида қабул қилинади.

Маҳкум тўғрисидаги зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда амнистияни қўлланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш қўшимча материаллар олинганга қадар кечиктирилади.

Фармонни бажариш зиммасига юкланган органларга тегишли муассасалардан амнистияни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган суд ишлари ва бошқа материалларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай талаблар дарҳол бажарилиши керак.

3. Тергов, дастлабки тергов органлари ва ички ишлар органлари, шунингдек интизомиё батальонларнинг қўмондонлиги амнистияни қўлланиш туғрисида қабул қилган қарорлар прокурор томонидан тасдиқланади.

Судлар Фармонни бажараётганида прокурорнинг иштирок этиши шарт.

4. Фармон кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармон амалда қўлланилади.

5. Амнистияни қўлланиш чоғида:

а) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43 ва 44¹-моддаларини қўлланиб ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам Фармоннинг 1-моддаси амалда қўлланилади;

б) Фармон 1-моддасининг “а” банди қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилади:

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида ҳарбий хизматчилар ёки ёлланма ходимлар сифатида СССР қуроли кучларида хизмат қилганлар;

Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист босқинчиларига қарши ҳаракат қилган халқ лашкарлари партизан отрядларининг, қирувчи батальонларнинг, шунингдек яширин ташкилотларнинг таркибида урушда қатнашганлар;

1945 йилда япон империалистларига қарши жанг ҳаракатларида қатнашган СССР қуроли кучларининг қисмлари ва қўшилмаларида ҳарбий хизматчи ёки ёлланма ходим сифатида хизмат қилганлар;

“1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали ёки “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан мукофотланган шахслар;

Улуғ Ватан уруши бошланишидан олдинги ёки у тамом бўлгандан кейинги даврда Совет Ватани манфаатларини ҳимоя қилиб жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва байналмилал бурчни адо этган, имтиёзлар туғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахслар;

Улуғ Ватан уруши даврида мамлакат ичкарасида меҳнат қилган ва “Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун” медали билан мукофотланган шахслар;

в) Фармон 1-моддасининг “б” банди мазкур Фармон эълон қилингунга қадар жиноят содир этган 18 ёшга тўлмаган эркак ва аёл шахсларга нисбатан қўлланилади;

Фармоннинг 1-моддаси “в” банди эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 208-моддасининг 2, 3-қисмлари мус-

таснодир, шунингдек ЖК 208-моддасининг 2, 3-қисмларида кўзда тутилган оқибатлар юзага келган тақдирда 239¹, 240, 241, 242-моддалар ҳам мустаснодир.

г) Фармон 1-моддасининг “д” банди Фармон эълон қилинган кунгача белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб қўйган шахсларга нисбатан қўлланилади;

д) Фармон 1-моддасининг “е” банди Фармон эълон қилинган кунгача белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб қўйган шахсларга, шу жумладан мазкур модданинг “в” банди 2-қисмида санаб ўтилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади;

е) Фармон 1-моддасининг “ж” банди оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинмаган, 1974 йилнинг 10 апрелидан кейин туғилган болаларга эга бўлган аёлларга, 1992 йилнинг 10 апрелигача ҳомиласи бўлган (ҳомиладорлик муддати уч ойдан кам бўлмаслиги керак) аёлларга, Фармон эълон қилинган кунгача 60 ёшга тўлган эркалар ва аёлларга, Фармон эълон қилинган кунгача белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Фармоннинг 6-моддасида кўзда тутилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган маҳкумлар бундан мустаснодир;

6. Фармоннинг 2-моддаси озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳибсда сақланаётган, жазо муддатининг қолган қисми Фармон эълон қилинган кунгача олти ойдан камроқни ташкил этадиган шахсларга нисбатан қўлланилади.

7. Фармоннинг 3, 4-моддаларига биноан жазо муддатининг Фармон эълон қилинган кунгача ўталмаган қисми камайтиради.

8. Вояга етмаганлар, эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда сақланган муддат доирасида илгари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва уларга нисбатан ҳукми ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44¹-моддасига биноан кечиктирилган, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар қисқа муддатли ҳибсхонада ёки тергов изоляторларида сақланаётган шахслар муқаддам озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаган кишилар деб ҳисобланишлари мумкин эмас.

9. Мазкур Фармонга мувофиқ асосий жазодан озод қилинган шахслар, сургун ва бадарғадан ташқари, қўшимча жазолардан озод қилинмайдилар. Фармон эълон қилинган кунгача ижро этилмаган

мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги қўшимча жазо ижро этилмайди.

Озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларини, сургун ва бадарға муддатини ўташ ички ишлар органлари амнистияни қўлланиш тўғрисида прокурор тасдиқлаган қарорни чиқарган кундан бошлаб тўхтатилади.

10. Фармон 5-моддасининг "б" банди Фармон эълон қилинган кунгача ҳарбий хизматдан бўйин товлаган, 1992 йилнинг июнига қадар маҳаллий ҳарбий бошқарув органларига келган ва ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлиги белгиланган шартларда давом эттирган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

11. Маъмурий жазо олган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48-моддасида кўзда тутилган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан Фармон қўлланилмайди.

12. Афв этиш ёки амнистия тариқасида жазо муддати аввал қисқартирилган шахсларга нисбатан амнистияни қўллаш чоғида афв этиш ёки амнистия актларига мувофиқ белгиланган жазо муддатига асосланиш лозим.

Фармонни қўлланиш чоғида қуйидагиларни назарда тутиш керак:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 80, 81, 194¹-моддаларида, 228-моддасининг "в" бандида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахслар қасддан қотиллик учун ҳукм этилганлар деб;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 88-моддасининг "б" ва "в" бандларида, шунингдек ана шу кодекс 193²-моддасининг 2-қисми, 194², 230-моддасининг "б" бандида, 228-моддасининг "б" бандида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлар агар оғир тан жароҳати етказилган бўлса, қасддан оғир тан жароҳати етказганлиги учун ҳукм этилганлар деб;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 152-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 153-моддасининг 2-қисмида ва 154-моддасининг 2-қисмида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлар жиноятни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олганлик, пора берганлик ва пора олишда воситачилик қилганлик учун ҳукм қилинганлар деб;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 115¹, 128-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганларнинг қотиллик (рэкети) учун ҳукм қилинганлар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
UNIVERSITETI 269621
Axborot-resurs markazi

13. Фармонни қўлланиш чоғида қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор қилинган судланганлик ҳисобга олинмайди.

Илгари озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

14. Фармон б-моддасининг “д” бандига мувофиқ афв этиш ёки амнистия тартибида илгари озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган (қонунда белгиланган тартибда судланганлиги олиб ташланган ёки бекор қилинган шахслар бундан мустасно) ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмайди.

Афв этиш тартибида ёки амнистия ҳужжатлари асосида жазо муддати қисқартирилганлиги муносабати билан озод қилинганлар ва озодликдан маҳрум этиш муддатининг ўталмаган қисми бошқа, бир-мунча енгил жазо билан алмаштирилган шахсларни ҳам муддатидан илгари жазодан озод қилинганлар деб ҳисоблаш лозим.

15. Қуйидаги шахсларни тартибни ашаддий бузувчилар деб ҳисоблаш керак:

а) жазони ўташ чоғида белгиланган интизом ва тартибни мунтазам бузувчилар ёки узрли сабабсиз ижтимоий фойдали меҳнатдан мунтазам бўйин товловчилар, шунингдек мажбурий меҳнатга жалб этиш билан шартли равишда ҳукм қилинганлар ва мажбурий меҳнатга жалб этиш билан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлар, меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузувчилар;

б) озодликдан маҳрум этиш, шунингдек сургун, бадарға жойларидан ёки қурилишларда ва халқ хўжалиги корхоналарида мажбурий меҳнатга жалб этилган муддат мобайнида қасддан жиноят содир этганлар;

в) мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганлар ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлар, меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузганлик учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилганлар, шунингдек жазога ҳукм қилиниб, манзил-колонияларда сақланаётганлар, бошқа турдаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларига юборилганлар, агар улар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига юбориш тўғрисида ажрим чиқарилгандан кейин амнистия қўлланиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш кунигача камида бир йил ҳибсда сақланган бўлсалар. Муддат маҳбус қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисобланади;

г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига биноан шартли жазога ҳукм қилинганлар синов муддати даврида яна жиноят содир этган ёки мазкур моддада кўзда тутилган асосларга кўра белгиланган ҳукмни ўташ учун юборилган тақдирда, агар ҳукм ёки суд ажрими чиқарилган вақтдан бошлаб камида бир йил ўтган бўлса;

д) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44¹-моддасига биноан ҳукмни ижро этиш муддати кечиктирилган бўлса; агар улар ҳукмни ижро этиш кечиктирилган даврда қасддан яна жиноят содир этган ёки ана шу моддада кўзда тутилган асосларга кўра белгиланган ҳукмга биноан озодликдан маҳрум этиш муддатини ўташ учун юборилган ва амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача камида бир йил қамоқда сақланган бўлсалар;

е) озодликдан маҳрум этилмай ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар жазони тўлиқ ўтагунча яна қасддан жиноят содир этган бўлсалар ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги учун ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддати суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган бўлса ва улар амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача камида олти ой қамоқда сақланган бўлсалар.

16. Фармоннинг таъсир доирасига тушадиган ва ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки тери-таносил касалликларидан белгиланган тартибда даволаниш тайинланган шахсларнинг материаллари Фармон ижро этиладиган даврда кўриб чиқилади, лекин уларни озод қилиш тўғрисидаги қарорлар даволаш муддати тугагандан кейингина ижро этилади.

Тери-таносил касалликларидан даволаниш муддати тугаган деб эътироф этиш учун тиббий хулоса, суд ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликдан мажбурий даволанишни тайинлаган шахсларга нисбатан эса мажбурий даволаниш тугаганлиги тўғрисидаги суд ажрими асос бўлади.

17. Мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган ва республикадан ташқарида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётганларга, шартли равишда ҳукм қилинганлар ва шартли равишда озод этилганларга нисбатан амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш учун тайёрлайди.

18. 6 ойлик муддат тугагандан кейин Фармонни қўлланиш масалалари ушбу Низомнинг I-моддасида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан ҳал этилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар, район ҳокимиятлари:

а) Фармон асосида жазодан озод қилинган барча шахслар ўз вақтида ҳисобга олинишини, улар истиқомат жойларига келган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддатдан кечикмай албатта ишга жойлаштирилишини, шунингдек ана шу шахсларнинг хулқ-атвори назорат қилинишини ташкил этишни;

б) ўз қарамоғига оладиган қариндошлари бўлмаган озод қилинган ногиронлар ва қариялар ногиронлар уйларига жойлаштирилишини таъминласинлар.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармон асосида жазодан озод қилинган диспансер ҳисобидаги биринчи гуруҳ сил касалига чалинган маҳкумлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ҳамда диспансер ҳисобидаги иккинчи гуруҳ сил касалига чалинган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахслар диспансер ҳисобига олинишини таъминласин.

21. Ҳокимиятлар ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган вояга етмаганлар истиқомат жойларига келиши билан улар ўз вақтида ҳисобга олинишини, ишга жойлаштирилишини ёки ота-оналари, васийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда болалар уйлари, интернат-мактаблар, ҳунар-техника билим юртарига жойлаштирилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суднинг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан ва инсонпарварлик қоидаларига амал қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум этиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган турдаги жазолардан озод этилсин:

а) Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) аёллар ва балоғатга етмаганлар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) I ва II гуруҳ ногиронлари.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган, шунингдек озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, меҳнатга мажбуран жалб этилган, озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этиш жазоларига ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин.

3. Қасдан содир этган жиноятлари учун беш йил муддатгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган, Фармоннинг I-моддаси қўлланилмайди-ган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Терговдаги ишлар ва судлар томонидан кўриб чиқилмаган қуйидаги барча ишлар:

— Фармоннинг I-моддасида қайд этилган шахслар содир этган жиноятлар;

— содир этган жиноятлари учун қонунда уч йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо кўзда тутилган жиноий ишлари ҳаракатдан ётқизилсин.

5. Эҳтиётсизлик билан содир этган жиноятлари учун уч йилдан кўпроқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, Фармоннинг 2-моддаси қўлланилмайдиган шахсларнинг жазо муддати ярмига қисқартирилсин.

6. Ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазони ўташга қолган муддати қисқартирилсин:

а) озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, меҳнатга мажбуран жалб этишга судланганларнинг қолган муддати учдан бир қисмга;

б) озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этилганларнинг қолган муддати ярмига;

в) ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида жазони ўтаётган, жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган ва муқаддам озодликдан маҳрум этишга бир мартадан ортиқ судланмаган маҳкумларнинг қолган муддатининг учдан бир қисмига.

7. Амнистия Фармоннинг 1,2,3,4-моддаларида санаб ўтилган қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди:

а) давлатга қарши алоҳида хавфли (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54—63-моддалари), шунингдек миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузиш жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган ва судланганлар (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси);

давлат сирларини ошкор этганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси);

бандитизм (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 67-моддаси); ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 67¹-моддаси);

контрабанда (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 68-моддаси); оммавий тартибсизликлар (Ўзбекистон Республикаси ЖК-нинг 68-моддаси);

қалбаки пул ва қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаганлик ёки сотганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 77-моддаси);

жиноятни оғирлаштирадиган ҳолатларда валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасининг 2-қисми);

- б) алоҳида хавфли ашаддий жиноятчи деб танилганларга;
- в) қасддан одам ўлдирганликлари учун жавобгарликка тортилган ва судланганларга (Ўзбекистон Республикаси ЖК 80, 81-моддалари);
- қасддан баданга оғир шикаст етказганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 88-моддасининг “б”, “в” бандлари);
- милиция ходимининг ҳаётига тажовуз қилганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 194¹-моддаси);
- милиция ходимининг баданига оғир шикаст етказганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 194²-моддасининг 2-қисми);
- милиция ходимини қасддан ўлдирганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 194⁴-моддаси);
- номусга текканлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 94-моддаси);
- товламачилик қилганлик (рэкёт) (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 115¹, 128-моддалари);
- айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда фирибгарлик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 119-моддасининг 2,3-қисмлари, 129-моддасининг 2,3-қисмлари);
- жуда кўп миқдордаги давлат ёки жамоат мулкни талон-торож қилганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 119¹-моддаси);
- оғирлаштирувчи белгилари бўлган ҳолатда давлат, жамоат ёки шахсий мулкни ўғирлаганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 114-моддасининг 2,3,4-қисмлари, 125-моддасининг 2,3,4-қисмлари);
- талончилик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 115, 126-моддалари);
- босқинчилик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 116, 127-моддалари);
- пора олганлик, пора берганлик ёки пора олиш-беришга воситачилик қилганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 152, 153, 154-моддалари);
- ашаддий безорилик (Ўзбекистон Республикаси ЖК 204-моддасининг 2,3-қисмлари);
- шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 100-моддасининг 2-қисмида, 101, 101¹, 166, 166³, 193²-моддасининг 2-қисмида, 209², 209³, 210¹, 216², 216³, 216⁴, 216⁵, 216⁶-моддаларида кузда тутилган жиноятлар;
- қасддан содир этилган ҳарбий жиноятлар;
- г) қасддан содир этган жиноятлари учун муқаддам озодликдан маҳрум қилишга судланганлар;
- д) афв ёки амнистия тартибида илгари жазони уташдан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этганлар;

е) ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки таносил касалликларидан тўлиқ даволанмаганлар;

ж) жазони уташ вақтида тартибни ашаддий бузувчилар.

8. Фармоннинг 5, 6-моддаларида кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан ҳибсда сақлаш тартибини қасддан бузувчи маҳкумларга, шунингдек афв ёки амнистия тартибида илгари жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга амнистия қўлланилмайди.

9. Мазкур Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, Ўзбекистон Республикасининг судлари ва унинг ҳудудида жойлашган ҳарбий судлар (трибуналлар) ҳукм қилган шахсларгагина жорий қилинади ва тўрт ой давомида ижро этилиши лозим.

10. Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси ҳамда Олий суди билан биргаликда ушбу Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш учун тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 август
№ ПФ-462

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-194

1992 йил 28 август

«Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» 1992 йил август ойидаги Фармонга мувофиқ:

1. Ушбу Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тақдим этган Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мазкур Фармон аниқ ва бир хил ижро этилиши назорат қилинишини таъминласин.

3. Ушбу Фармойиш бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг маъмурий-ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи маслаҳатчилар гуруҳи зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги Ф-194 сонли Фармойишига илова

«Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 августдаги Фармонини бажаришга доир ишларни ташкил этиш ҳақидаги

Н И З О М

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 1992 йил 28 августдаги Фармонни бажариш қуйидагилар зиммасига юкланади:

а) озодликдан маҳрум этиш жойларида бўлган маҳкумларга, шунингдек мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳамда мажбуран меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинган шахсларга нисбатан—жазони ижро этиш билан шуғулланувчи органлар зиммасига.

Фармон ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, махсус комендатура бошлигининг ҳокимлик ижроия аппарати ҳузуридаги кузатувчи комиссия билан келишилган ҳолда прокурор томонидан маъқулланган қарори билан қўлланилади. Маҳкумнинг тақдирланиши ва жаволаниши тўғрисидаги маълумотнома, унинг шахсий иши ва амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ушбу қарорга илова қилинади;

б) содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлар ва материаллар суриштирув ва дастлабки тергов органлари ихтиёридаги иш жараёнида бўлган шахсларга нисбатан—мазкур органлар зиммасига;

в) судлар зиммасига:

содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлар ва материаллар судларда бўлган ҳамда Фармон кучга киргунга қадар ишлари кўриб чиқилмаган шахсларга нисбатан, шунингдек содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган, аммо ҳукм қонуний кучга кирмаган шахсларга нисбатан;

қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳукмларни ижро этиш муддати кечиктирилган маҳкумларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ шартли равишда ҳукм қилинганларга нисбатан (амнистия қўлланиш тўғрисидаги масалани маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ички ишлар органларининг тақдимномасига биноан суд ҳал қилади);

жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (амнистия қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳукм чиқарган суд ҳал қилади);

жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод қилинган шахсларга ва жазонинг ўталмаган қисми Фармон эълон қилингунга қадар бир мунча енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан (шартли равишда муддатидан илгари озод қилишни қўлланиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини бир мунча енгилроқ жазо билан алмаштириш тўғрисидаги масала);

г) ички ишлар органлари зиммасига:

ҳукм қонуний кучга кирган шахсларга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, аммо ҳибсда сақланмаётган ёхуд меҳнатга мажбурий жалб этилиб, шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, иш жойига юборилмаган шахсларга нисбатан;

жазони сургун, бадарға, озодликдан маҳрум қилмай ахлоқ туза-тиш ишларини адо этиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида ўтаётган шахсларга нисбатан;

2. Ҳар бир шахсга нисбатан амнистия қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги қарор қатъиян якка тартибда, у билан суҳбат ўтказилгандан кейин ва шахсий иш ҳужжатларига синчиклаб баҳо бериш, маҳкумнинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар, белгиланган ҳибс тартибига риоя этиши ҳамда унинг жазони ўташ вақтида ёки жазони ўташ вақтининг кўп қисмида меҳнатга муносабати ҳақидаги маълумотлар асосида, жазони ижро этиш билан шуғулланувчи органлар томонидан қарор қабул қилинади.

Маҳкум тўғрисидаги зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда амнистияни қўлланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш кўшимча ҳужжатлар олингунга қадар кечиктирилади.

Фармонни бажариш зиммасига юкланган органларга тегишли муассасалардан амнистияни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган суд ишлари ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай талаблар дарҳол бажарилиши керак.

3. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда ички ишлар органларининг амнистияни қўлланиш туғрисида қабул қилган қарорлари прокурор томонидан тасдиқланади.

Судлар Фармонни бажараётганида прокурорнинг иштирок этиши шарт.

4. Фармон чиққунга қадар, яъни 1992 йил 28 августгача жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармон амалда қўлланилади.

5. Амнистияни қўлланиш чоғида қуйидагилар тушунтириб берилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43 ва 44-моддалари қўлланган ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳамда мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан ҳибсдан шартли равишда озод қилинган шахсларга нисбатан ҳам Фармоннинг 1 ва 2-моддалари амалда қўлланилади;

б) Фармоннинг 1-моддасидаги “а” банди қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилади:

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида ҳарбий хизматчилар ёки ёлланма ходим сифатида СССР Қуроли Кучларида хизмат қилганлар;

Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашист босқинчиларига қарши ҳаракат қилган партизан отрядлари, халқ лашкарлари, қирувчи батальонларнинг, шунингдек яширин ташкилотларнинг таркибида урушда қатнашганлар;

1945 йилда япон империалистларига қарши жанг ҳаракатларида қатнашган СССР Қуроли Кучларининг қисмлари ва қўшилмаларида ҳарбий хизматчи ёки ёлланма ходим сифатида хизмат қилганлар;

“1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали ёки “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан мукофотланган, шунингдек Улуғ Ватан урушидан олдинги ёки у тамом бўлгандан кейинги даврда Совет Ватани манфаатларини ҳимоя қилиб жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва байналмилал бурчни адо этган, имтиёзлар туғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган;

“Жасорат кўрсатганлиги учун”, Ушаков, “Жанговар хизматлари учун”, Нахимов, “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун”, “Шавкатли меҳнат учун. В.И.Ленин туғилган

кунининг 100 йиллигини нишонлаш юзасидан”, I ва II даражали “Ватан уруши партизанига”, “Ленинград мудофааси учун”, “Москва мудофааси учун”, “Одесса мудофааси учун”, “Севастополь мудофааси учун”, “Сталинград мудофааси учун”, “Киев мудофааси учун”, “Кавказ мудофааси учун”, “Совет Қутб орти мудофааси учун”, “1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун”, “Япония устидан қозонилган ғалаба учун”, “1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Шавкатли меҳнат учун” орденлари ёки медаллари билан мукофотланган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Фармон белгиланган тартибда орденлар ё медаллардан маҳрум этилган шахсларга нисбатан жорий этилмайди.

г) Фармон I-моддасининг “б” банди аёлларга ҳамда 1974 йил 28 августдан кейин туғилган балоғатга етмаган эркак ва аёл шахсларга нисбатан қўлланилади;

д) Фармон I-моддасининг “в” банди Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тулган эркакларга нисбатан қўлланилади;

е) Фармон I-моддасининг “г” банди Фармон кучга киргунга қадар белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек диспансер рўйхатидаги I ва II гуруҳ сил касалига чалинганлар деб тан олинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Фармон кучга киргунга қадар содир этилган ва қонунда 3 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш кўзда тутилган жиноятлар туғрисидаги ишлар бўйича агар суд 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо ёки Фармоннинг 2-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо белгилашни зарур деб топса, маҳбусни жазодан озод қилади. Шунингдек суд қасддан содир этилган жиноят учун меҳнатга мажбуран жалб қилиш билан шартли равишда уч йилгача, эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноят учун эса беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзида жазо белгилашни зарур деб топса, маҳбусни жазодан озод қилади.

Фармоннинг 3-моддаси Фармон кучга кирган кунга қадар белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Фармоннинг 4-моддаси асосида I ва 2-моддаларида айтиб ўтилган, Фармоннинг 7-моддасига кўра жазодан озод қилинмайдиган шахсларга нисбатан тергов ишлари ва судлар томонидан кўриб чиқилмаган ишлар ётқизилмайди.

Фармоннинг 5 ва 6-моддаларига мувофиқ жазо муддатининг Фармон кучга киргунга қадар ўталмаган қисми қисқартирилади.

6. Эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда сақланган муддат доирасида илгари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёки уларга нисбатан ҳукмни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44¹-моддасига биноан кечиктирилган, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар қисқа муддатли ҳибсхонада ёки тергов изоляторларида сақланаётган шахслар муқаддам озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаган кишилар деб ҳисобланишлари мумкин эмас.

7. Озодликдан маҳрум этилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларини, сургун ва бадарға муддатини ўташ ички ишлар органлари амнистияни қўлланиш тўғрисида прокурор тасдиқлаган қарорни чиқарган кундан бошлаб тўхтатилади.

Мазкур Фармонга биноан асосий жазодан озод қилинган шахслар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

Маъмурий жазо олган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48-моддасида кўзда тутилган тартибда жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларга нисбатан Фармон қўлланилмайди.

9. Афв этиш ёки амнистия тариқасида жазо муддати аввал қисқартирилган шахсларга нисбатан амнистия қўллаш чоғида афв этиш ёки амнистия актларига мувофиқ белгиланган жазо муддатига асосланиш лозим.

10. Кўп миқдордаги давлат ва жамоат мулкани талон-торож қилганлик учун жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ушбу Фармонни қўллаш чоғида, 1991 йил 1 апрелдан кейин 50 мингдан 200 минг сўмгача, жуда кўп миқдордаги—200 минг сўм ва ундан кўпроқ миқдордаги (ўғирлик, талончилик, босқинчилик, таъмагирлик, фирибгарлик йўли билан содир этилган талон-торожликдан ташқари) давлат ва жамоат мулкани якка тартибда ёки шахслар гуруҳи томонидан талон-торож қилганлик учун жазога ҳукм қилинганларни шундай шахслар қаторига киритиш зарурлиги тушунтирилсин.

11. Фармонни қўллаш чоғида қонунда белгиланган тартибда бекор қилинган ва олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди.

Бундан ташқари, эҳтиётсизлик натижасида илгари содир этилган жиноятлар учун ёки қасддан содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги ҳисобга олинмайди.

12. Фармон 7-моддасининг “д” бандига мувофиқ СССР Олий Совети—Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида афв этиш ёки амнистия тартибида илгари жиноий жавобгар-

ликдан ёки суд белгиланган жазодан (тула ёхуд қисман) озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилмайди. Булар:

“1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” 1985 йил 26 апрелдаги;

“Маҳқум аёлларнинг баъзи тоифаларини озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилиш тўғрисида” 1986 йил 6 ноябрдаги;

“Улуғ октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” 1987 йил 18 июндаги;

“Афғонистондаги чекланган совет кўшинлари қисмининг жиноят содир этган собиқ ҳарбий хизматчиларига амнистия эълон қилиш тўғрисида” СССР Олий Советининг 1989 йил 28 ноябрдаги қарори;

“Ҳарбий хизматдан бўйин товлаган ҳарбий хизматчиларга амнистия эълон қилиш тўғрисида” 1991 йил 1 ноябрдаги СССР Қонуни;

“Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинганлиги муносабати билан амнистия тўғрисида” 1991 йил 31 августдаги;

“Жаҳон миллатлар ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида” 1992 йил 6 апрелдаги Фармонлардир.

13. Қуйидаги шахсларни тартибни ашаддий бузувчилар деб ҳисоблаш керак:

а) жазони ўташ чоғида белгиланган интизом ва тартибни мунтазам бузувчилар ёки узрли сабабсиз ижтимоий фойдали меҳнатдан мунтазам бўйин товловчилар, шунингдек мажбуран меҳнатга жалб этиш билан шартли равишда ҳукм қилинганлар ва мажбуран меҳнатга жалб этиш билан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлардан меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузувчилар;

б) озодликдан маҳрум этиш, шунингдек сургун, бадарға жойларида ёки қурилишларда ва халқ хўжалиги корхоналарида мажбуран меҳнатга жалб этилган муддат мобайнида қасддан жиноят содир этганлар;

в) мажбуран меҳнатга жалб қилиниб, озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганлар ва мажбуран меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлардан меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузганлик учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилганлар, шунингдек жазога ҳукм қилиниб, манзил-колонияларда сақланаётганлардан бошқа турдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларига юборилганлар, агар улар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига юбо-

риш тўғрисида ажрим чиқарилгандан кейин амнистия қўлланиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш кунигача бир йилдан кам муддат ҳибсда сақланган бўлсалар. Муддат маҳбус қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисобланади;

г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига биноан шартли жазога ҳукм қилинганлар синов муддати даврида яна жиноят содир этган ёки мазкур моддада кўзда тутилган асосларга кўра белгиланган ҳукми уташ учун юборилган тақдирда, агар ҳукм ёки суд ажрими чиқарилган вақтдан бошлаб бир йилдан кам муддат ўтган бўлса;

д) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44'-моддасига биноан ҳукми ижро этиш муддати кечиктирилган бўлса; агар улар ҳукми ижро этиш кечиктирилган даврда қасддан яна жиноят содир этган ёки ана шу моддада кўзда тутилган асосларга кўра белгиланган ҳукмга биноан озодликдан маҳрум этиш муддатини уташ учун юборилган ва амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача камида бир йил қамоқда сақланган бўлсалар;

е) озодликдан маҳрум этилмай ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар жазони тулиқ ўтагунча яна қасддан жиноят содир этган бўлсалар ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги учун ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддати суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган бўлса ва улар амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача олти ойдан кам муддат қамоқда сақланган бўлсалар.

14. Фармоннинг таъсир доирасига тушадиган ва ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки тери-таносил касалликларидан белгиланган тартибда даволаниш тайинланган шахсларнинг материаллари Фармон ижро этиладиган даврда кўриб чиқилади, лекин уларни озод қилиш тўғрисидаги қарорлар даволаш муддати тугагандан кейин ижро этилади.

Тери-таносил касалликларидан даволаниш муддати тугаган деб эътироф этиш учун тиббий хулоса, суд ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликдан мажбурий даволанишни тайинлаган шахсларга нисбатан эса мажбурий даволаниш тугаганлиги тўғрисидаги суд ажрими асос бўлади.

15. Мазкур Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган ва республикадан ташқарида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётганларга, шартли равишда ҳукм қилинганлар ва шартли равишда озод этилганларга нисбатан амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш учун тайёрлайди.

16. 4 ойлик муддат тугагандан кейин Фармонни қўлланиш масалалари ушбу Низомнинг I-моддасида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан ҳал этилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, шаҳар, район ҳокимликлари:

а) Фармон асосида жазодан озод қилинган барча шахслар ўз вақтида ҳисобга олинишини, улар истиқомат жойларига келган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддатдан кечикмай албатта ишга жойлаштирилишини, шунингдек ана шу шахсларнинг хулқ-атвори назорат қилинишини ташкил этишни;

б) ўз қарамоғига оладиган қариндошлари бўлмаган озод қилинган ногиронлар ва қариялар ногиронлар уйларига жойлаштирилишини таъминласинлар.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда диспансер ҳисобидаги I ва II гуруҳ сил касалига чалинган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни рўйхатга олишни ва махсус даволаш муассасаларига юборишни белгиланган тартибда йўлга қўйсинлар.

19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармон асосида жазодан озод қилинган диспансер ҳисобидаги биринчи гуруҳ сил касалига чалинган маҳкумлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ҳамда диспансер ҳисобидаги иккинчи гуруҳ сил касалига чалинган шахслар диспансер ҳисобига олинишини таъминласин.

20. Вилоят, шаҳар, район ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган вояга етмаганлар истиқомат жойларига келиши билан улар ўз вақтида ҳисобга олинишини, ишга жойлаштирилишини ёки ота-оналари, васийлик органлари кафолатига топширилишини, зарур ҳолларда болалар уйлари, интернат-мактаблар, ҳунар-техника билим юртларига жойлаштирилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан меҳр-шафқат ва инсонпарварлик қондаларига амал қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Биринчи марта қамоққа ҳукм қилинган аёллар ва балоғатга етмаган шахслар оғир жиноят, шунингдек, уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этмаган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган бошқа фуқаролар жазодан озод қилинсин.
3. Фармоннинг 1-моддасида санаб ўтилган шахсларнинг жиноий ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш тўхтатилсин.
4. Мазкур Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва 4 ой ичида ижро этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 декабрь
ПФ № 694*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-342

1993 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан 1993 йил 7 декабрдаги амнистия ҳақидаги Фармонга мувофиқ:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Республика Прокуратураси ва Олий суди мазкур Фармонни аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилинишини таъминласин.

3. Ушбу Фармойиш бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонини маъмурий-ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи консультантлар гуруҳи зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1993 йил 23 декабрдаги Ф-342-сон Фармойишига илова

**“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
бир йиллиги муносабати билан амнистия ҳақида”
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил
7 декабрдаги Фармонини қўлланиш тартиби тўғрисида**

Н И З О М

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан амнистия” тўғрисида 1993 йил 7 декабрдаги Фармонини ижро этиш қўйидагилар зиммасига юклатилади:

а) озодликдан маҳрум этиш жойларидаги, шунингдек мажбуран меҳнатга жалб қилиш шарти билан шартли равишда озодликдан

махрум этишга судланганларга ҳамда шартли равишда озодликдан махрум этиш жойларидан меҳнатга жалб қилиш шarti билан озод қилинганларга, сургун ва бадарғага судланган шахсларга нисбатан — ҳукми ижро этувчи органларга.

Фармон ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, тарбия меҳнат муассасаси, махсус комендатура бошлиқларининг кузатувчи комиссия билан келишилган ва прокурор томонидан маъқулланган (санкцияланган) қарори билан қўлланилади. Ушбу қарорга маҳкумининг шахсий иши, рағбатлантириш ва таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотнома, амнистияни қўлланиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади;

б) суриштирув ва дастлабки тергов органларига—шу органлар иш юритувидаги жиноят содир этган шахсларга нисбатан бўлган ишлар ва материаллар;

в) судларга:

— содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлар ва материаллар судлар иш юритувида бўлган ҳамда Фармон кучга киргунга қадар ишлар кўриб чиқилмаган шахсларга нисбатан, шунингдек содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган, аммо ҳукм қонуний кучга кирмаган ёки ҳукмлари ижрога қаратилмаган шахсларга нисбатан;

— Жиноят кодексининг 44¹-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 338-моддасига асосан ҳукм ижроси кечиктирилган маҳкумларга, Жиноят кодексининг 43-моддасига асосан шартли равишда судланганларга нисбатан (Фармонни қўлланиши тўғрисидаги масалани ҳукми ижро этувчи ИИБ тақдимномасига кўра ҳудудий суд ҳал этади);

— жарима тўлашга судланганларга нисбатан, агарда Фармон матбуотда эълон қилинганга қадар жарима ундирилмаган ёки қисман ундирилган бўлса, жарима ундириш ижро этилмайди (Фармонни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳукми ижро этувчи суд ҳал қилади);

г) ички ишлар органларига:

— ҳукмлари қонуний кучга кирган шахсларга, озодликдан маҳрум этишга судланган, бироқ қамоқда сақланмаётган ёки шартли равишда озодликдан маҳрум этиб меҳнатга жалб қилиш шarti билан судланган, сургун ва бадарға қилинган, бироқ жазони ўташ жойига юборилмаган судланган шахсларга нисбатан;

—жазони сургун, бадарға, озодликдан маҳрум қилинмай ахлоқ тузатиш ишларини адо этиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида ўтаётган шахсларга нисбатан.

2. Фармонни қўллаш масаласи ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда, у билан суҳбат ўтказилгандан сўнг ва шахсий иш ҳужжатларига синчиклаб баҳо бериб, маҳкумнинг хулқ-атвори туғрисидаги маълумотлар ва унинг жазони ўташ вақтида меҳнатга бўлган муносабатига қараб ҳал қилинади.

Маҳкум ҳақидаги зарур маълумотлар бўлмаса, Фармонни қўллаш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш қўшимча ҳужжатларни олингунга қадар кечиктирилади.

Фармонни ижро этиш зиммасига юклатилган органларга тегишли муассасалардан Фармонни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ва зарур бўлган суд ишлари ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай сўровлар кечиктирилмай ижро этилиши лозим.

3. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари Фармонни қўллаш туғрисидаги қарорлари прокурорлар томонидан тасдиқланади (санкцияланади).

Судлар Фармонни қўллаш чоғида прокурорнинг иштирок этиши шарт. Фармон ҳукм чиқариш билан биргаликда қўлланилган ҳоллар бундан мустаснодир.

4. Фармон кучга киргунга қадар, яъни 1993 йил 8 декабргача жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармон қўлланилади.

5. Фармоннинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатилган шахслар озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга судланганлар озод қилинади.

Сургун ва бадарғадан ташқари қўшимча жазога судланган шахслар қўшимча жазо ўташдан озод қилинмайди.

6. Фармонни қўллаётганда, унинг 1-моддаси ҳаракат доирасига ёшидан қатъи назар аёллар ва вояга етмасдан жиноят содир этган шахслар тушади.

7. Фармон оғир жиноят содир этганларга, шунингдек уюшган жиний гуруҳ таркибида жиноят содир этган шахсларга қўлланилмайди.

8. Фармоннинг 2-моддаси эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир қилиш билан биргаликда қасддан жиноят содир қилганларга нисбатан қўлланилмайди.

9. Амнистия ҳақидаги Фармон, шунингдек қуйидаги судланганларга нисбатан қўлланилмайди:

а) жазони ўташ чоғида белгиланган интизом ва тартибни мунтазам бузувчилар ёки узрли сабабсиз ижтимоий фойдали меҳнатдан мунтазам буйин товловчилар, шунингдек мажбуран меҳнатга жалб этиш билан шартли равишда судланганлар ва мажбуран меҳнатга жалб этиш билан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлардан меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузувчиларга;

б) озодликдан маҳрум этиш, шунингдек сургун, бадарға ёки мажбурий меҳнатга жалб этиш жазоларини ўташ жойларида ва муддати давомида қасддан жиноят содир этганлар;

в) мажбуран меҳнатга жалб қилиниб, озодликдан маҳрум этишга шартли равишда ҳукм қилинганлар ва мажбуран меҳнатга жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлардан меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузганлик учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилганлар, шунингдек жазога ҳукм қилиниб, манзил-колонияларда сақланаётганлардан бошқа турдаги тузатиш меҳнат колонияларига юборилганлар, агар улар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига юбориш тўғрисидаги ажрим чиқарилгандан кейин амнистия қўлланиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш кунигача бир йилдан кам муддат қамоқда сақланган бўлсалар. Муддат маҳбус қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисобланади;

г) Жиноят кодексининг 43-моддасига биноан шартли жазога ҳукм қилинганлар синов муддати даврида яна қасддан жиноят содир этган ёки мазкур моддада кўзда тутилган асосларга кўра, белгиланган ҳукмни ўташ учун юборилган тақдирда, агар ҳукм ёки суд ажрими чиқарилган вақтдан бошлаб бир йилдан кам муддат ўтган бўлса:

—Жиноят кодексининг 44¹-моддасига биноан ҳукмни ижро этиш муддати кечиктирилган бўлса; агар улар ҳукмни ижро этиш кечиктирилган даврда қасддан яна жиноят содир этган ёки ана шу моддада кўзда тутилган асосларга кўра белгиланган ҳукмга биноан озодликдан маҳрум этиш муддатини ўташ учун юборилган ва амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача камида бир йил қамоқда сақланган бўлсалар;

е) озодликдан маҳрум этилмай ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар жазони тўлиқ ўтагунча яна қасддан жиноят содир этган бўлсалар ёки ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги учун ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддати суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилган бўлса ва улар амнистияни қўлланиш тўғрисидаги материаллар кўриб чиқиладиган кунгача олти ойдан кам муддат қамоқда сақланган бўлсалар.

10. Фармон қўлланилиши лозим бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ёки таносил касалликларидан мажбурий даволаниш тайинланган шахсларнинг ҳужжатлари Фармонни бажариш давомида ва Жиноят кодекси 12-моддасининг 3 ва 4-қисмлари талаблари асосида кўрилади.

11. Фармон Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан судланган шахсларга нисбатан жорий этилади ва 4 ой муддат давомида ижро этилиши зарур. 4 ой муддат ўтгандан кейин Фармонни қўлланиш масалалари Низомнинг 1-моддасида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан, меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар, аёллар, ёши 60 дан ошган эркаклар ҳамда 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари жазодан озод қилинсин.

2. Биринчи марта атайлаб қилган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки енгилроқ жазога ҳукм қилинганлар, шунингдек эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаган шахслар жазо муддатининг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин, белгиланган жазо муддатининг ярмисини ўтаган шахслар эса бадарға колониясига ўтказилсин.

4. Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ашаддий жиноятчиларга, наркотик моддалар ва ўқотар қуроллар билан боғлиқ жинояти учун маҳкум этилганларга, уюшган жиноий гуруҳларнинг иштирокчиларига, шунингдек, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан афв қўлланилмасин.

5. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирази ва тўрт ой давомида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 август № ПФ-936

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-433

23 август 1994 йил

“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги 1994 йил 19 августдаги Фармонга биноан:

1. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тақдим этган ушбу Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари амнистия тўғрисидаги Фармонни ижро этишда кузатувчи комиссиялар иштирок этишини, шунингдек Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар рўйхатга олинишини ва ишга жойлаштирилишини, қамоқдан озод қилинган ногирон ва кексайиб қолган ёлғиз шахслар ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни болалар уйлари, интернат-мактаблар ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

4. Ушбу Фармойиш бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалари бўйича консультантлар гуруҳи зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

**“Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
3 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонини
қўлланиш тартиби ҳақида**

Н И З О М

1. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 3 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” 1994 йил 19 августдаги Фармонни ижро этиш қуйидагилар зиммасига юкланади:

а) жазони ижро этиш билан шуғулланувчи органлар зиммасига: озодликдан маҳрум этиш жойларидаги, шунингдек мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этишга судланганларга ҳамда мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинганларга нисбатан.

Фармон ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси, махсус комендатура бошлиқларининг кузатувчи комиссия билан келишилган ва прокурор томонидан маъқулланган (санкцияланган) қарори билан қўлланилади. Ушбу қарорга маҳкумнинг шахсий иши, рағбатлантириш ва таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотнома, амнистияни қўлланиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади;

Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1,2-моддаларида санаб ўтилган шахсларга нисбатан, Фармон чиққунга қадар содир этган жинояти бўйича, дастлабки тергов ва суриштирувда бўлган ишлари айблов хулосаси билан судга юборилиши лозим.

б) судлар зиммасига:

содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари ва материаллари судларда бўлиб, ушбу Фармон кучга киргунга қадар кўриб чиқилмаган шахсларга нисбатан ҳамда содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари кўриб чиқилган, бироқ ҳукм қонуний кучга кирмаган, шунингдек ишлари ушбу Низомнинг “а” банди учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан;

қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳукмларни ижро этиш муддати кечиктирилган судланганларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига мувофиқ шартли равишда судланганларга нисбатан (амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ички ишлар органларининг тақдимномасига биноан суд ҳал қилади);

жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳукми ижро этувчи суд ҳал қилади);

жазонинг ўталмаган қисми Фармон кучга киргунга қадар енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан (амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ҳақида ажрим чиқарган суд ҳал қилади);

в) ички ишлар органлари зиммасига:

ҳукмлари қонуний кучга кирган шахсларга, озодликдан маҳрум

этишга судланган, бироқ қамоқда сақланмаётган ёки шартли равишда озодликдан маҳрум қилиб, мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан судланган, бироқ жазони ўташ жойига юборилмаган шахсларга нисбатан;

жазони сургун, озодликдан маҳрум қилинмай ахлоқ тузатиш ишларини адо этиш, муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзида ўтаётган шахсларга нисбатан;

г) интизомий батальон командирлари зиммасига:

интизомий батальонга юборишга судланган ҳарбий хизматчиларга нисбатан;

2. Фармонни қўлланиш ёки қўлланмаслик тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан қатъиян якка тартибда қабул қилинади. Маҳкум тўғрисидаги зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда амнистияни қўлланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш қўшимча материаллар олингунга қадар кечиктирилади.

Фармонни бажариш зиммасига юкланган органларга тегишли муассасалардан амнистияни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай талаблар дарҳол бажарилиши зарур.

3. Ички ишлар органлари, шунингдек интизомий батальонларнинг қўмондонлиги томонидан амнистияни қўлланиш тўғрисида қабул қилган қарорлари прокурор томонидан тасдиқланади (санкцияланади).

Судлар томонидан амнистияни қўллаш чоғида прокурорнинг иштирок этиши шарт.

4. Ушбу Фармон кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармон қўлланилади.

Беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган қуйидаги шахсларга нисбатан Фармоннинг 1-моддаси қўлланилади:

а) 1976 йилнинг 19 августидан кейин туғилган вояга етмаганлар;

б) ёшидан қатъи назар аёллар;

в) 1934 йилнинг 19 августигача туғилган эркаклар;

г) Фармон кучга киргунга қадар белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб тан олинган шахслар.

Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки енгилроқ жазога судланганлар, шунингдек эҳтиётсизлик туфайли содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этилганларга нисбатан Фармоннинг 2-моддаси қўлланилади.

Эҳтиётсизлик туфайли содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун жазога судланган шахсларга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2-моддаси қўлланилмайди.

Биринчи марта қамоқ жазосига судланган ва Фармон кучга киргунга қадар белгиланган жазонинг қуйидаги муддатларини утаган шахсларга нисбатан Фармоннинг 3-моддаси қўлланилади:

а) белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини утаганлар. Бу шахслар жазонинг қолган қисмини уташдан озод қилинадилар.

б) тайинланган жазо муддатининг ярмини утаганлар. Жазо муддатининг камида ярмини утаганларга нисбатан қонунга қўра уларни шартли равишда ва муддатидан илгари озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлмаса, маҳкумлар умумий ва кучайтирилган режимдаги колониялардан тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар учун мўлжалланган манзил колонияларга ўтказиладилар.

5. Мазкур Фармонга биноан асосий жазодан озод қилинган шахслар сургундан ташқари қўшимча жазолардан озод қилинмайдилар.

6. Жазо муддати афв этиш ёки амнистия тартибида қисқартирилган шахсларга нисбатан амнистияни қўлланиш чоғида афв этиш ёки амнистия ҳужжатларига мувофиқ белгиланган жазо муддатидан амал қилиш зарур.

7. Фармонни қўлланиш чоғида қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки бекор қилинган судланганлик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан чиқарилган жиноятлар учун судланганлик ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари муқаддам эҳтиётсизлик туфайли содир этган жиноятлари учун ёки қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога судланган шахсларнинг судланганлиги ҳисобга олинмайди.

8. Фармоннинг 1, 2, 3-моддалари қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди:

а) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54—63, 67—67¹, 69, 77, 80, 81-моддалари, 88-моддасининг “в” банди, 94-моддасининг 3 ва 4-қисмлари, 116-моддаси, 126-моддасининг 4-қисми, 127-моддасининг 2, 3, 4-қисмлари, 152, 153, 157⁴, 157⁵, 166³, 191⁴, 194¹, 194⁴, 209³-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганларга нисбатан;

б) уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этганларга, шунингдек наркотик моддалар, ўқотар қуроллар, ўқ дорилар ва портловчи моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир этганларга нисбатан;

в) ўта хавфли рецидивистлар деб тан олинганларга нисбатан;
г) илгари амнистия ёки афв этиш тартибида суд белгилаган жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлгунга қадар озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этганларга нисбатан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида ёки афв этиш тартибида жазодан озод қилинган маҳкумлар (судланганлиги бекор қилинган ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар) ана шундай шахслар қаторига киради.

Афв этиш тартибида ёки амнистия ҳужжатлари асосида жазо муддати қисқартирилганлиги муносабати билан озод қилинганлар ва озодликдан маҳрум этиш муддатининг ўталмаган қисми бошқа, бирмунча енгил жазо билан алмаштирилган шахсларни ҳам муддатидан илгари жазодан озод қилинганлар деб ҳисоблаш лозим.

д) жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан. Қуйидаги шахсларни тартибни ашаддий бузувчилар деб ҳисоблаш керак:

озодликдан маҳрум этиш жойларида белгиланган интизомни ва жазони ўташ тартибини мунтазам бузувчилар, йил давомида икки ва ундан ортиқ интизомий жазо олган, шунингдек меҳнатга мажбурий жалб этиш билан шартли равишда жазога ҳукм қилинган ва меҳнатга мажбурий жалб қилиш билан озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилинганлар, меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки ўзлари учун белгиланган яшаш қоидасини бузувчи шахслар;

жазони ўташ даврида жиноят содир этганлар;
озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилган озодликдан шартли равишда маҳрум қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этилган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этилганлар, шунингдек манзил муассасаларидан бошқа турдаги ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларига қайтарилган шахслар, бу ҳақдаги ажрим чиқарилгандан сўнг Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан кам муддат қамоқда сақланган бўлсалар. Муддат маҳкум қамоққа олинган кундан ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасига биноан шартли жазога ҳукм қилинганлар, синов муддати даврида яна қасддан жиноят содир этган ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ушбу моддасида кўзда тутилган асосларда ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун юборилган бўлса, агар суд

ҳукми ёки ажрими чиқарилган вақтдан бери бир йилдан кам муддат ўтган бўлса;

ҳукми ижро этиш кечиктирилган шахслар ҳукми ижро этиш кечиктирилган даврда яна қасддан жиноят содир этган бўлса;

е) Фармон эълон қилинганидан кейин Қонунда кўзда тутилганига нисбатан енгилроқ жазо тайинланган шахсларга нисбатан ҳам Фармоннинг 2-моддаси қўлланилмайди.

9. Амнистия тўғрисидаги Фармон Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

10. Турт ойлик муддат ўтгандан кейин Фармонни қўлланиш масалалари мазкур Низомнинг 1-моддасида кўрсатиб ўтилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг
биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикасининг
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-банди асосида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсинлар:

а) иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

б) аёллар ва вояга етмаганлар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қасддан жиноят қилиб, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Мазкур Фармон асосида озод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг ўтаб бўлинмаган жазо муддати қисқартирилсин:

а) ахлоқ тузатиш ишларига, қамоққа ҳукм қилинганларнинг, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларнинг қолган муддати — ярмига;

б) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — учдан бир қисмига;

в) биринчи марта қасддан жиноят қилганлиги учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг қолган муддати — тўртдан бир қисмига.

5. Ўта оғир жиноятлари учун, ўқотар қуроли билан ҳамда гиёҳвандлик воситаларини сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавfli рецидивистларга, шунингдек жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан ушбу Фармоннинг 1, 2, 3-моддалари қўлланилмасин.

Фармоннинг 4-моддасига мувофиқ тартиботни ашаддий бузувчиларнинг жазо муддати қисқартирилмасин.

6. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

1995 йил 3 май

№ ПФ-1150

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-514

1995 йил 3 май

“Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 3 майдаги Фармони мувофиқ:

1. Мазкур Фармонни қўлланиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги тақдим этган Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ушбу Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар рўйхатга олинишини ва ишга жойлаштирилишини, қамоқдан озод қилинган ногирон ва кексайиб қолган ёлғиз шахслар но-

гиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни болалар уйлари, интернат-мактаблар ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

4. Ушбу Фармойиш бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалар буйича консультантлар гуруҳи зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 3 майдаги Ф-514 сонли Фармойишига илова

**“Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган
Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан амнистия
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармонини қўлланиш тартиби ҳақида**

Н И З О М

1. “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини ижро этиш куйидагилар зиммасига юклансин:

а) ҳукми ижро этиш билан шуғулланувчи органлар зиммасига — озодликдан маҳрум этиш жойларидаги маҳкумларга нисбатан.

Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ижроси жазони ижро этувчи колония, тергов ҳибсхонаси бошлигининг прокурор томонидан рухсат берилган қарори асосида амалга оширилади. Қарорга рағбатлантириш ва интизомий таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотнома, маҳкумнинг шахсий иши, амнистияни қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1, 2, 3-моддаларида қайд этилган шахсларга нисбатан, Фармон чиққунига қадар содир этган жинояти бўйича дастлабки тергов ва суриштирувда бўлган ишлари айблов ҳулосаси билан судга юборилиши лозим.

б) судлар зиммасига:

содир этган жиноятлари тўғрисидаги ишлари ва ҳужжатлари судларда бўлиб, ушбу Фармон кучга киргунга қадар қўрилмаган шахсларга нисбатан ҳамда жиноятлари тўғрисидаги ишлари қўрилган, аммо ҳукм қонуний кучга кирмаган шахсларга, шунингдек ишлари ушбу Низомнинг “а” банди учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан;

қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда ҳукмларни ижро этиш муддати кечиктирилган маҳкумларга ҳамда шартли равишда ҳукм қилинганларга нисбатан (амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ички ишлар органининг тақдимномасига биноан суд ҳал этади);

жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳукми ижро этувчи суд ҳал қилади);

жазонинг ўталмаган қисми Фармон кучга киргунга қадар енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан (амнистияни қўллаш тўғрисидаги масалани ажрим чиқарган суд ҳал қилади);

в) ички ишлар органлари зиммасига:

қамоқда сақланмаётган, ҳукмлари қонуний кучга кирган, бироқ жазони ўташ жойига юборилмаган шахсларга нисбатан;

ахлоқ тузатиш ишларини адо этиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзида жазони ўтаётган шахсларга нисбатан;

г) интизомий қисмлар командирлари зиммасига:

интизомий қисмларда жазони ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Фармонни қўлланиш ёки қўлламаслик тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан қатъиян яқка тартибда қабул қилинади. Маҳкум тўғрисидаги зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда амнистияни қўлланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар кечиктирилади.

Фармонни ижро этиш зиммасига юкланган органларга амнистияни қўлланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун зарур ишлар ва ҳужжатларни тегишли муассасалардан талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай талаблар зудлик билан бажарилиши шарт.

3. Ички ишлар органлари бошлиқларининг ва интизомий қисмлар командирларининг Фармонни қўлланиш тўғрисидаги қарорлари ҳам прокурорнинг рухсати билан қабул қилинади.

Судлар томонидан Фармонни қўлланиш чоғида прокурорнинг иштирок этиши шарт.

4. Ушбу Фармон кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия қўлланилади.

5. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўлланиш чоғида:

а) куйидаги шахсларга нисбатан Фармон 1-моддасининг “а” банди қўлланилади:

иккинчи жаҳон уруши даврида СССР Куролли Кучларида ҳарбий хизматчилар ёки ихтиёрий ёлланганлар сифатида хизмат қилганлар;

иккинчи жаҳон урушида партизан отрядлари, халқ лашкарлари, қирувчи батальонлар, шунингдек фашист босқинчиларига қарши ҳаракат қилган яширин ташкилотлар таркибида иштирок этганлар;

СССР Куролли Кучлари сафида ҳарбий хизматчи ёки ихтиёрий ёлланган шахс сифатида 1945 йилда Японияга қарши жанг ҳаракатларида иштирок этганлар, шунингдек 1941—1945 йиллардаги урушдан олдинги даврда СССР манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган шахслар;

Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлар ва бунинг учун имтиёзлар тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлганлар;

б) 1977 йил 4 майдан кейин туғилган вояга етмаганлар;

в) ёшидан қатъи назар аёллар;

г) 1935 йилнинг 4 майига қадар туғилган эркаклар;

д) Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб тан олинган шахслар.

6. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасдан содир этган жиноятлари учун ҳам ҳукм қилинган шахсларга нисбатан Фармоннинг 2-моддаси қўлланилмайди.

Фармоннинг 2 ва 3-моддаларида кўзда тутилган жазонинг қолган муддатини ўташ мазкур Фармон кучга кирган кундан ҳисобланади.

7. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган, белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлган шахсларга нисбатан ҳам Фармоннинг 3-моддаси қўлланилади.

8. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 4-моддасига мувофиқ ушбу Фармон кучга кирган кунгача ўтаб бўлинмаган жазо муддатининг қолган қисми қисқартирилиши лозим. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар ҳукмлар қонуний кучга кирган маҳкумларга нисбатан ушбу модда қўлланилади.

9. Мазкур Фармонга мувофиқ асосий жазодан озод қилинган шахслар қўшимча жазолардан озод қилинмайдилар.

10. Жазо муддати афв этиш ёки амнистия тартибида қисқартирилган шахсларга нисбатан амнистияни қўлланиш чоғида афв этиш ёки амнистия тўғрисидаги ҳужжатларга мувофиқ белгиланган жазо муддатига амал қилиш зарур.

11. Фармонни қўлланиш чоғида қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ёки судланганлик ҳолати тугалланган судланганлик ҳисобга олинмайди, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодексига мувофиқ жиноий деб топилмайдиган қилмишлари учун ҳукм этилган шахслар судланмаган деб ҳисобланадилар.

Бундан ташқари, муқаддам эҳтиётсизлиги оқибатида содир этган жиноятлари учун ёки қасддан содир этган жиноятлари учун озошликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларнинг судланганлиги ҳисобга олинмайди.

12. Амнистия туғрисидаги Фармонни қўлланиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида” 1994 йил 22 сентябрдаги қарори талабларига риоя этиш зарур.

13. Фармоннинг 1, 2, 3-моддалари қуйидаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди:

а) ўта оғир жиноятлари учун, ўқотар қуроли, ўқ-дорилар ва портловчи моддалар билан, гиёҳвандлик воситаларини сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганлар;

б) қасддан қилинган жиноятлари учун муқаддам ҳукм қилиниб, қасддан содир этган жиноятлари учун яна озошликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар;

в) ўта хавфли рецидивистлар деб тан олинганлар;

г) суд томонидан белгиланган жазо муддатини тўла ўтагунга қадар амнистия ёки афв этиш тартибида озошликдан маҳрум этиш жойларидан муқаддам озод қилинганлар ва яна қасддан жиноят содир этганлар. Афв этиш тартибида ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия туғрисидаги фармонлари асосида жазодан (судланганлик ҳолати тугалланганлиги ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар) озод қилинган маҳкумлар, шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озошликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахслар ана шундай шахслар жумласига киради.

Афв этиш тартибида ёки амнистия туғрисидаги ҳужжатлар асосида жазо муддати қисқартирилганлиги муносабати билан озод қилинганлар ва озошликдан маҳрум этиш муддатининг ўталмаган қисми бошқа, енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларни ҳам жазодан озод қилинганлар деб ҳисоблаш лозим.

д) жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан.

Қуйидаги шахсларни тартиботни ашаддий бузувчилар деб ҳисоблаш лозим:

озошликдан маҳрум этиш жойларида белгиланган интизомни ва

жазони ўташ тартиботини мунтазам суратда бузувчилар, йил давомида икки ва ундан ортиқ интизомий жазо олган, шунингдек озодликдан шартли равишда маҳрум этилиб, меҳнатга мажбуран жалб қилинганлар ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этилганлар, меҳнат интизомини, жамоат тартибини ёки улар учун белгиланган яшаш қоидаларини бузувчи шахслар;

жазони ўташ вақтида жиноят содир этганлар;

озодликдан шартли равишда маҳрум этилиб, меҳнатга мажбуран жалб қилинган, озодликдан маҳрум этиш жойларидан шартли равишда озод этилиб, меҳнатга мажбуран жалб қилинган ва озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилган ёки қайтарилганлар, шунингдек манзил-муассасаларда сақланган ҳамда бошқа турдаги жазоларни ижро этиш колонияларига қайтарилган маҳкумлар, агар улар жазони ижро этиш колонияга жўнатиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгандан кейин Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан кам муддат қамоқда сақланган бўлсалар. Муддат маҳкум қамоққа олинган кундан ҳисобланади;

шартли равишда ҳукм қилинганлар, агар улар синов муддати даврида яна қасддан жиноят содир этган ёки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг мазкур моддасида кўзда тутилган асослар бўйича ҳукм билан тайинланган жазони ўташ учун юборилган бўлса, агар суд ҳукми ёки ажрими чиқарилган вақтдан буён бир йилдан камроқ муддат ўтган бўлса;

ҳукмни ижро этиш кечиктирилган шахслар ҳукмни ижро этиш кечиктирилган даврда яна қасддан жиноят содир этган бўлсалар.

14. Жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчи шахсларга, шунингдек афв этиш ёки амнистия тартибида жазони ўташдан муқаддам озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармоннинг 4-моддаси қўлланилмайди.

15. Амнистия тўғрисидаги Фармон Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

16. Фармонни қўлланиш масалалари тўрт ойлик муддат тугагандан кейин ушбу Низомнинг 1-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум этилганларнинг қуйидаги тоифаси озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазодан, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод қилинсин:
 - а) иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек, Чернобиль атом электростанциясидаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;
 - б) аёллар ва вояга етмаганлар;
 - в) ёши 60 дан ошган эркаклар;
 - г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.
2. Биринчи марта уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар, шунингдек, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи марта беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят қилгани учун ўн йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Фармон кучга киргунга қадар содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин:

а) 1-моддада санаб ўтилган ва Фармоннинг 7-моддаси таъсирига тушмайдиган шахсларга нисбатан;

б) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан.

6. Мазкур Фармонга асосан озод қилинмайдиган шахсларнинг қуйидаги тоифаси учун жазо муддатининг ўталмаган қисми қисқартирилсин:

а) биринчи марта қасддан қилган жинояти учун беш йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир қилган шахсларга белгиланган жазо муддатининг ярми;

б) қасддан қилган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларга белгиланган жазо муддатининг тўртдан бир қисми.

7. Фармоннинг 1—5-моддалари ўта оғир жиноятлар учун (Жиноят кодекси 167-моддаси 4-қисми “а” бандида кўрсатилган жиноятларни содир қилганлар бундан мустасно), жинойий уюшмалар таркибидаги жиноятлари учун, ўқотар қурооллар ва гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш (сотиш) билан боғлиқ жиноятлари учун ҳукм қилинганларга, ўта хавfli рецидивистларга, шунингдек, жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Фармоннинг 6-моддаси жазо ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга нисбатан қўлланилмасин.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1996 йил 7 август
№ ПФ-1502*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-649

1996 йил 12 август

“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” 1996 йил 7 августдаги Фармонга мувофиқ:

1. Мазкур Фармонни қўллаш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган Низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси ушбу Фармоннинг аниқ ва бир хил тарзда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Фармонга асосан жазони ўташдан озод қилинган шахслар ҳисобга олиниб, иш билан таъминланишини, озод қилинган ногирон ва кекса ёлғиз шахслар ногиронлар ва кексалар уйига жойлаштирилишини, жазони ўташдан озод қилинган балоғатга етмаганларнинг ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларнинг болалар уйларига, мактаб-интернатларга ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

4. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалар бўйича консултантлар гуруҳи зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И.КАРИМОВ

“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги Фармони қўллаш тартиби тўғрисида

Н И З О М

1. “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги Фармони ижро қилиш қўйидагилар зиммасига юклатилсин:

а) озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги маҳкумларга нисбатан жазони ижро этувчи органлар зиммасига.

Амнистия ҳақидаги Фармонни ижро этиш прокурорнинг санкцияси билан жазони ижро этувчи колония, ҳибсхона бошлиги қарорига асосан амалга оширилади. Қарорга рағбатлантириш ва жазолар ҳақидаги маълумотнома, маҳкумнинг шахсий иши, амнистия актини қўллаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари зиммасига—шу органлар иш юритувида жиноятлари тўғрисидаги ишлари ва материаллари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар зиммасига:

судлар иш юритувида жиноятлари тўғрисидаги ишлари ва материаллари бўлган ва улар амнистия ҳақидаги Фармон кучга киргунга қадар қўрилмаган бўлса, шунингдек қўрилган, лекин ҳукмлари қонуний кучга кирмаган жиноят ишлари бўйича ёхуд ҳукмлари қонуний кучга кирган, лекин назорат тартибида қўрилаган жиноят ишлари бўйича;

қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда ҳукм ижроси кечиктирилган ёки шартли ҳукм қилинган судланганларга нисбатан (амнистияни қўллаш масаласини судланганнинг хулқи устидан назорат олиб боровчи ички ишлар органининг тақдимномасига асосан суд ҳал этади);

жарима жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундирилмаган бўлса (амнистия актини қўллаш масаласини ҳудудий суд ҳал қилади);

Фармон кучга киргунга қадар жазонинг ўталмаган қисми енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан (амнистия актини қўллаш масаласини ҳудудий суд ҳал қилади);

г) ички ишлар органлари зиммасига:

ҳибсада сақланмаётган, ҳукмлари қонуний кучга кирган, лекин жазони уташ жойларига юборилмаган маҳкумларга нисбатан; ахлоқ тузатиш, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони утаётган шахсларга нисбатан;

д) интизомий қисмлар қўмондонлиги зиммасига: интизомий қисмларда жазо утаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан;

е) ҳарбий қисмлар қўмондонлиги зиммасига: хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланган шахсларга нисбатан.

2. Амнистия актини қўллаш ёхуд қўлламаслик масаласи ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда ҳал этилади. Маҳкумга нисбатан зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласи қўшимча материаллар олингунга қадар қолдирилади.

Фармонни ижро қилиш юклатилган органларга тегишли муассасалардан уни ижро қилиш билан боғлиқ бўлган ишлар, материаллар ва ҳужжатларни сўраб олиш ҳуқуқи берилади. Бундай суровлар зудлик билан ижро этилади.

3. Ички ишлар органлари, ҳарбий ва интизомий қисмлар қўмондонлари томонидан амнистия актини қўллаш туғрисидаги қарорлар прокурор томонидан тасдиқланади (санкцияланади).

Судлар томонидан амнистия актини қўллаш масаласини куриб чиқишда прокурорнинг иштирок этиши шарт.

4. Амнистия ҳақидаги Фармон у кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

5. Тушунтирилсинки, амнистия ҳақидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармоннинг I-моддаси “а” банди таъсир доирасига қуйидагилар кириди:

иккинчи жаҳон уруши даврида СССР Қуролли Кучлари сафларида ҳарбий хизматчилар ёки ёлланма ходимлар сифатида хизмат қилганлар;

иккинчи жаҳон урушида фашист босқинчиларига қарши ҳаракат қилган партизан отрядлари, халқ лашкарлари, қирувчи батальонлар, шунингдек яширин ташкилотлар таркибида қатнашганлар;

СССР Қуролли Кучлари сафларида 1945 йилда Японияга қарши жанговар ҳаракатларда ҳарбий хизматчи ёки ёлланган ходим сифатида хизмат қилган, шунингдек 1941—1945 йиллардаги урушдан аввалги даврда СССР манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этганлар;

Афғонистондаги жанговар ҳаракатларда, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этган ва имтиёзлар ҳақидаги гувоҳномаси бўлганлар;

б) 1936 йил 8 августгача туғилган эркаклар;

в) Фармон кучга киргунга қадар қонунда кўрсатилган тартибда тан олинган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

г) амнистия ҳақидаги Фармонни қўллашда вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахслар ҳам 1-модда “б” банди таъсирига тушади;

д) амнистия ҳақидаги Фармоннинг 3,4 ва 6-моддаларида кўрсатилган жазонинг ўталган қисми Фармон кучга киргунга қадар бўлган кундан ҳисобланади;

е) амнистия ҳақидаги Фармоннинг 4-моддаси таъсир доирасига эҳтиётсизликдан содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар кирмайди.

6. Ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги жазони ўташ ички ишлар органларининг прокурор томонидан тасдиқланган (санкцияланган) амнистия актини қўллаш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан бошлаб тугатилади.

7. Жазо муддати афв этиш тартибида ёки амнистия билан қисқартирилган шахсларга нисбатан амнистия актини қўллашда амнистия ёки афв этиш актига асосан белгиланган жазо муддатидан келиб чиқилади.

8. Ушбу Фармонга мувофиқ асосий жазодан озод қилинган шахслар қўшимча жазолардан ҳам озод қилинадилар (мол-мулкни мусодара қилиш бундан мустасно).

9. Тушунтирилсинки, ушбу Фармон ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўзганинг мол-мулкни жуда кўп миқдорда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилган хатти-ҳаракатлари Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а” банди билан талқин этилиб судланган шахслар бундан мустасно.

10. Амнистия ҳақидаги Фармон 6-моддасига мувофиқ Фармон кучга киргунга қадар жазонинг ўталмаган қисми қисқартирилади.

11. Амнистия ҳақидаги Фармонни қўллашда қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ва муддати ўтган судланганлик инobatга олинмайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига асосан жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракатлар учун судланган шахслар ҳам судланмаган ҳисобланади.

Шунингдек, эҳтиётсизликдан содир этган жинояти учун ёки қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлик ҳақидаги судланганлик ҳам инobatга олинмайди.

12. Амнистия ҳақидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси-ни амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилиш зарур.

13. Амнистия ҳақидаги Фармоннинг 1, 2, 3, 4 ва 5-моддалари қуйидагиларга нисбатан татбиқ қилинмайди:

а) ўта оғир жиноятлар учун судланганларга (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а” банди билан судланганлар бундан мустасно), уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этганларга, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портлатувчи қурилмалар билан боғлиқ жиноятларга, уларни тайёрлаш, сотиб олиш, олиб юриш, сақлаш ва сотиш ҳамда наркотик воситалар ёки психотроп моддалар ўтказиш (сотиш) жиноятларига алоҳида хавfli рецидивист деб тан олинганларга;

б) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган ва яна қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганларга;

в) суд томонидан тайин этилган жазони тўлиқ ўтаб бўлмасдан амнистия ёки афв этиш акти билан илгари озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этганларга. Бундай шахсларга афв этиш тартибида ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия ҳақидаги Фармонлари асосида жазодан озод қилинган шахслар (судланганлик муддатининг ўтганлиги ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар), шунингдек афв этиш тартибида ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар кирази.

Шунингдек, афв этиш тартибида ёки амнистия акти асосида жазо муддатини қисқартириш, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги туфайли озод қилинган шахсларни ҳам жазодан озод қилинган деб ҳисоблаш лозим;

г) жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга: тартиботни ашаддий бузувчилар деб:

озодликдан маҳрум қилиш жойларида белгиланган интизом ва

тартибни бузувчи, бунинг учун бир йил давомида Фармон чиққунга қадар уч ва ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган шахслар, шунингдек ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига юборилган шахслар агар ажрим чиқарилган кундан бошлаб улар олти ойдан кам муддат давомида ҳибсда булган бўлсалар;

жазони ўташ жойларида жиноят содир этганлар;

манзил колонияларида сақланиб, жазонинг бошқа турини ижро қилиш колонияларига қайтарилганлар, агар жазонинг бошқа турини ижро қилиш колониясига қайтариш ҳақидаги ажрим чиқарилганидан сўнг Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан кам ҳибсда сақланган бўлсалар. Муддати маҳкум ҳибсга олинган кундан бошлаб ҳисобланади;

шартли ҳукм қилинганлар, агар синов муддати давомида яна қасддан жиноят содир этсалар ёки Жиноят кодексининг кўрсатилган моддасида белгиланган тартибда ҳукм билан тайин этилган жазони ўташ учун юборилган бўлсалар, агар ҳукм ёки ажрим чиқарилган кундан бошлаб бир йилдан кам вақт ўтган бўлса;

ҳукм ижроси кечиктирилганлар, агар ҳукм ижроси кечиктирилган давр мобайнида қасддан янги жиноят содир этсалар.

14. Фармоннинг 6-моддаси жазони ўташ тартиботини ашаддий бузувчиларга, афв этиш тартибида ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган, шунингдек илгари афв этиш тартибида ёки амнистия асосида жазодан озод қилиниб, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

15. Амнистия ҳақидаги Фармон Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларгагина қўлланилади.

16. Тўрт ойлик муддат ўтганидан сўнг Фармонни қўллаш масаласи ушбу Низомнинг 1-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан ҳамда инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

б) аёллар, шунингдек 60 ёшдан ошган эрақлар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин:

а) беш йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаганлар;

б) етти йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганлар;

в) ун йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ўтаганлар.

4. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларга—ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилсин.

6. Биринчи марта ун йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар манзил колонияларига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2,3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, ўта хавfli рецидивистларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1—4, 6-моддалари қўлланилмасин.

8. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан Фармон татбиқ этилмасин.

9. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 декабрь
№ ПФ-1885*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-794

1997 йил 4 декабрь

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги 1997 йил 3 декабрдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда кўрсатилган органларга амнистия тўғрисидаги Фармоннинг уз вақтида ижро этилишини таъминлаш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мазкур Фармоннинг ижро этилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган диспансер ҳисобидаги 1 ва 2-гуруҳ сил касалига чалинган маҳкумларнинг диспансер ҳисобига олинишини ва тегишли даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар рўйхати тўлиқ олиб борилишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек қамоқдан озод қилинган ногирон ва кексайиб қолган ёрдамга муҳтож, ёлғиз шахсларни ногиронлар ёки қариялар уйларига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганлар ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни мактаб-интернатларга ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

6. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Фуломов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 5 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 5 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижро этилади:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан—озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан—улар-

нинг иш юритувида бўлган жиноятлар ҳақидаги материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан;

—уларнинг иш юритувида бўлган (барча инстанцияларда) жиноятлар ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

—шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

—ички ишлар органлари тақдимномасига асосан;

—жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

—хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан)—қисм жойлашган суд томонидан;

г) ички ишлар органлари томонидан:

—қамоқда бўлмаган, ҳукмлари қонуний кучга кирган бўлиб, лекин ижро этилмаган шахсларга нисбатан;

—ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган, шунингдек ЖКнинг 74-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан;

д) интизомий қисм командири томонидан—интизомий қисмда жазо ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Амнистияни қўллаш ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда ҳал этилади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар бир ойдан ошмаган муддатга қолдирилади. Фармонни ижро этувчи органлар томонидан қилинган сўровлар зудлик билан бажарилади.

Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса, тергов ҳибсхонаси, ички ишлар, суриштирув ва тергов органларининг бошлиқлари, терговчилар, шунингдек интизомий қисм командири қарорлари асосида амалга оширилади. Бу қарорларга прокурор санкция беради.

Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш ҳақидаги масалаларни судлар томонидан кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт.

3. Амнистия ҳақидаги Фармон, у кучга киргунга қадар жиноят содир қилган шахсларга нисбатангина қўлланилади.

4. Тушунтирилсинки, амнистия ҳақидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармоннинг 1-моддасини “а” бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 май 1994 йилдаги 249-сонли, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 6 апрель 1992 йилдаги 170-сонли қарорларида қайд этилган шахслар кўзда тутилади;

- б) 1937 йил 4 декабрда туғилган эркалар;
- в) Фармон кучга киргунга қадар белгиланган қонун тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилганлар;
- г) Фармоннинг 3 ва 6-моддаларига кўра жазо муддатининг утаб бўлинган қисми ушбу Фармон кучга кирган кунгача ҳисобланади;
- д) амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2 ва 5-моддалари таъсир доирасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасдан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар кирмайди.

5. Ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги жазони уташ Ички ишлар органларининг прокурор томонидан санкцияланган амнистия актини қўллаш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан бошлаб тугатилади.

6. Фармоннинг 3 ва 6-моддаларини қўллашда суд белгилаган жазо муддатидан ва маҳкумнинг ҳақиқий уталган муддатидан келиб чиқилади.

7. Фармоннинг 5-моддасини қўллашда суднинг ҳукми билан белгиланган жазо муддатидан келиб чиқилади, аммо муддатини қисқартиришни ҳисоблашда олдинги амнистиялар ва афв этиш актлари қўллангандан сўнг уташ учун қолган ҳақиқий муддатдан келиб чиқиш лозим.

8. Фармоннинг 6-моддасига асосан маҳкумларни манзил-колониаларига ўтказиш жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг прокурор санкция берган қарори билан амалга оширилади.

9. Ушбу Фармонга кўра, асосий жазодан озод этилган шахслар қўшимча жазолардан озод этилмайди.

10. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллашда қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ва муддати ўтган судланганлик инобатга олинмайди. Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги жиноят қонунчилигига асосан жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракатлар учун судланган шахслар ҳам судланмаган ҳисобланади.

11. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилиш зарур.

12. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1, 2, 3, 4 ва 6-моддалари куйидаги шахсларга татбиқ этилмайди;

а) ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганлар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга;

б) Жиноят кодексининг 247, 248, 270-модданинг 2 ва 3-қисмлари, 271, 272 ва 273-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни

нинг иш юритувида бўлган жиноятлар ҳақидаги материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан;

—уларнинг иш юритувида бўлган (барча инстанцияларда) жиноятлар ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

—шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

—ички ишлар органлари тақдимномасига асосан;

—жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон чиққунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

—хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан)—қисм жойлашган суд томонидан;

г) ички ишлар органлари томонидан:

—қамоқда бўлмаган, ҳукмлари қонуний кучга кирган бўлиб, лекин ижро этилмаган шахсларга нисбатан;

—ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган, шунингдек ЖКнинг 74-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан;

д) интизомий қисм командири томонидан—интизомий қисмда жазо ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Амнистияни қўллаш ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда ҳал этилади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар бир ойдан ошмаган муддатга қолдирилади. Фармонни ижро этувчи органлар томонидан қилинган сўровлар зудлик билан бажарилади.

Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса, тергов ҳибсхонаси, ички ишлар, суриштирув ва тергов органларининг бошлиқлари, терговчилар, шунингдек интизомий қисм командири қарорлари асосида амалга оширилади. Бу қарорларга прокурор санкция беради.

Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш ҳақидаги масалаларни судлар томонидан кўриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт.

3. Амнистия ҳақидаги Фармон, у кучга киргунга қадар жиноят содир қилган шахсларга нисбатангина қўлланилади.

4. Тушунтирилсинки, амнистия ҳақидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармоннинг 1-моддасини “а” бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 май 1994 йилдаги 249-сонли, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 6 апрель 1992 йилдаги 170-сонли қарорларида қайд этилган шахслар кўзда тутилади;

- б) 1937 йил 4 декабрда туғилган эркаклар;
в) Фармон кучга киргунга қадар белгиланган қонун тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилганлар;
г) Фармоннинг 3 ва 6-моддаларига кўра жазо муддатининг ўтаб бўлинган қисми ушбу Фармон кучга кирган кунгача ҳисобланади;
д) амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 2 ва 5-моддалари таъсир доирасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасдан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар кирмайди.

5. Ахлоқ тузатиш иши тариқасидаги жазони ўташ Ички ишлар органларининг прокурор томонидан санкцияланган амнистия актини қўллаш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан бошлаб тугатилади.

6. Фармоннинг 3 ва 6-моддаларини қўллашда суд белгилаган жазо муддатидан ва маҳкумнинг ҳақиқий ўталган муддатидан келиб чиқилади.

7. Фармоннинг 5-моддасини қўллашда суднинг ҳукми билан белгиланган жазо муддатидан келиб чиқилади, аммо муддатини қисқартиришни ҳисоблашда олдинги амнистиялар ва афв этиш актлари қўлландан сўнг ўташ учун қолган ҳақиқий муддатдан келиб чиқиш лозим.

8. Фармоннинг 6-моддасига асосан маҳкумларни манзил-колониаларига ўтказиш жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг прокурор санкция берган қарори билан амалга оширилади.

9. Ушбу Фармонга кўра, асосий жазодан озод этилган шахслар кўшимча жазолардан озод этилмайди.

10. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллашда қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган ва муддати ўтган судланганлик инобатга олинмайди. Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги жиноят қонунчилигига асосан жиноят ҳисобланмайдиган ҳаракатлар учун судланган шахслар ҳам судланмаган ҳисобланади.

11. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарори талабларига амал қилиш зарур.

12. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1, 2, 3, 4 ва 6-моддалари қуйидаги шахсларга татбиқ этилмайди;

а) ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганлар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга;

б) Жиноят кодексининг 247, 248, 270-модданинг 2 ва 3-қисмлари, 271, 272 ва 273-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни

содир этганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида содир этган жиноятлари учун ҳукм қилинганларга.

13. Қуйидаги маҳкумларни жазони ўташ тартибини бузган шахслар деб ҳисоблаш лозим:

—озодликдан маҳрум этиш жойларида белгиланган тартиб ва интизомни систематик равишда бузувчилар, бир йил давомида икки ва ундан ортиқ, Фармон чиққан кунга қадар олиб ташланмаган интизомий жазога эга бўлган шахслар; ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, меҳнатдан бўйин товлаганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларига юборилганлар; манзил-колонияларидан бошқа тартибли колонияларга ўтказилган шахслар;

—жазони ўташ давомида жиноят содир этганлар;

—шартли ҳукм қилинганлар, агар улар синов муддати давомида қасддан янги жиноят содир этган бўлсалар ёки Жиноят кодексининг 72-моддаси тартибида ҳукм билан белгиланган жазони ўташ учун юборилган бўлсалар.

14. Ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган, шунингдек илгари афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан Фармон татбиқ этилмайди. Бундай шахсларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармонлари асосида ёхуд афв тартибида (судланганлиги олиб ташланган ёки муддати ўтганлигидан қатъи назар) озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб чиққанлар ҳам киради.

Шунингдек амнистия актлари асосида ёки афв тартибида жазо муддатларини қисқартирилиши муносабати билан озод этилган ёки жазосининг ўталмаган қисми бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар ҳам жазодан озод этилган деб ҳисобланади.

15. Амнистия тўғрисидаги Фармон Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

16. Тўрт ойлик муддат ўтгандан сўнг Фармонни қўллаш масаласи ушбу Низомнинг биринчи моддасида кўрсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан, шунингдек инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бар-тараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) 60 ёшдан ошган аёллар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган, қонунда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазолар тайинлаш назарда тутилмаган жино-

ятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган шу тоифадаги ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қўйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлар учун—ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганлар учун—тўртдан бир қисмига.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2 ва 3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а” банди бундан мустасно) ҳукм қилинганларга, ўта хавfli рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1—3,5,6-моддалари қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг жиноят содир этган шахсларга нисбатан ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

8. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1998 йил 1 декабрь
№ ПФ-2150*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-918

1998 йил 3 декабрь

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги 1998 йил 1 декабрдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда курсатилган органларга амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган 1 ва 2-гурух диспансер рўйхатидаги сил касалига чалинганларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек жазодан озод қилинган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ёки қариялар уйларига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни мактаб-интернат ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

6. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Ч.Худойкулов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон
Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг
6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги
Фармонини қўллаш тартиби ҳақида**

Н И З О М

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони ижро этилади:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

—озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

—ахлоқ тузатиш иши жазосини ўтаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилганларга нисбатан;

- б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:
—уларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;
- в) судлар томонидан:
—уларнинг иш юритувида (барча инстанцияларда) жиноятлари ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;
—жарима тулашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);
—хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан)— қисм жойлашган ҳудуддаги суд томонидан;
- г) ички ишлар органлари томонидан:
—қамоқда сақланмаётган, ҳукмлари қонуний кучга кириб, лекин ижро этилмаган шахсларга нисбатан;
—шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;
- д) интизомий қисм командири томонидан:
—интизомий қисмда жазо ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилинади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласини кўриб чиқиш қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар кечиктирилади. Фармонни ижро этувчи органлар томонидан қилинган сўровлар зудлик билан бажарилади.

Мазкур Низомнинг 1-моддаси “а,б,г,д” бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса, тергов ҳибсхонаси, Ички ишлар, суриштирув органларининг бошлиқлари, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Ушбу қарорлар прокурор томонидан санкцияланади.

Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки шарт.

3. Амнистия тўғрисидаги Фармон у кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармон 1-моддасининг “а” банди Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли, шунингдек Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорларида қайд этилган шахсларга;

б) Фармон 1-моддасининг “б” банди 1938 йил 2 декабрда тузилган аёлларга;

в) Фармон 1-моддасининг “г” банди Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилганларга нисбатан қўлланилади;

г) ушбу Фармонга кўра, асосий жазодан озод этилган шахслар кўшимча жазодан озод қилинмайдилар;

д) жиноят ишларини суриштирув, дастлабки тергов ва судда қуриш жараёнида ҳаракатдан тугатиш Фармоннинг 5-моддасига мувофиқ жинойи жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

5. Тушунтирилсинки:

а) Фармоннинг 3,4,6-моддаларини қўллашда суд томонидан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилади;

б) агар Фармоннинг 3 ва 4-моддалари таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддати амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган бўлса, бу ҳолда ушбу Фармонни қўллаш учун лозим бўлган қисмлари (1/4 ва 1/2) амалда ўташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қисмлар Фармон кучга киргунга қадар ўталган бўлиши шарт;

в) амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 4-моддаси таъсир доирасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасдан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар кирмайди.

г) ушбу Фармоннинг 6-моддасига мувофиқ жазо муддатини аввалги қисқартирилишлари ҳисобга олинган ҳолда ўташ учун қолдирилган қисми қисқартирилади.

6. Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

7. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1—3,5 ва 6-моддалари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) ўта оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганларга (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а” бан-



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

9 МАЙНИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бар-
тараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта 6 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 10-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга—ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун 10 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—тўртдан бир қисмга.

10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 244¹-моддаларида, 246-моддаси 2-қисмида, 247-моддаси 2, 3-қисмларида, 248-моддаси 2, 3-қисмларида, 270-моддаси 3-қисмида, 271-моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини қўлаб ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1—3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан судланган-

лар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 242, 244¹-моддаларида, 247-моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 30 апрель
№ ПФ 2287

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

1999 йил 5 май

№ Ф-992

“9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда кўрсатилган органларга амнистия тўғрисидаги Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари бошқа органлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган тегишли давлатлар элчихоналари ва кон-

сулликлари билан биргаликда жазодан озод этилган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда давлат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган 1 ва 2-гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касалига чалинганларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар тўлиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек жазодан озод қилинган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ёки қариялар уйларига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни мактаб-интернат ёки бошқа ўқув юртларига юборилишини таъминласинлар.

7. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Носиров зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонини қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони ижро этилади:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

—озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

—ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоларини ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:

—бу органларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан:

—уларнинг иш юритувида (барча инстанцияларда) жиноятлари ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

—жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

—хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан) — қисм жойлашган ҳудуддаги суд томонидан;

г) ички ишлар органлари томонидан:

—қамоқда сақланмаётган, ҳукмлари қонуний кучга кириб, лекин ижро этилмаган шахсларга нисбатан,

—шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

д) интизомий қисм командири томонидан:

—интизомий қисмда жазо утаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилинади. Зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласини кўриб чиқилиши қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар кечиктирилади. Фармонни ижро этувчи органларнинг сўровлари зудлик билан бажарилади.

Мазкур Низомнинг 1-моддаси “а”, “б”, “г”, “д” бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса ёки тергов ҳибсхонаси, ички ишлар, суриштирув органларининг бошлиқлари, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Ушбу қарорлар прокурор томонидан санкцияланади.

Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки шарт.

3. Амнистия тўғрисидаги Фармон у кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармоннинг 1-моддаси “а” банди таъсир доирасига, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли Қарорларида қайд этилган шахслар кирази;

б) Фармоннинг 1-моддаси “б” банди таъсир доирасига, ёшидан қатъи равишда аёллар ва 1939 йил 4 майгача туғилган эркаклар тушади;

в) Фармоннинг 1-моддаси “г” банди, Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилади;

г) Фармоннинг 1-моддаси “д” банди таъсир доирасига миллий паспортлари ёки уларни маълум бир мамлакат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган чет эл давлати ёки МДХ мамлакатлари фуқаролари тушади.

Амнистия қўлланилаётган маҳкумларнинг фуқаролигини тасдиқловчи керакли ҳужжатлари бўлмаса, уларнинг ҳам тегишлилиги маҳкум мансуб мамлакатда ҳаракатда бўлган қонунчиликка биноан ҳал қилинади.

Маҳкумнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳал қилинади;

д) ушбу Фармонга кўра, асосий жазодан озод этилган шахслар қўшимча жазодан озод қилинмайдилар;

е) жиноят ишларини суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда ҳаракатдан тугатиш Фармоннинг 8-моддасига мувофиқ жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

5. Тушунтирилсинки:

а) Фармоннинг 3—5-моддаларини қўллашда суднинг ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилади;

б) агар Фармоннинг 3—5-моддалари таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддати амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган бўлса, бу ҳолда ушбу Фармонни қўллаш учун лозим бўлган қисмлари (1/4 ва 1/2) амалда ўташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қисмлар Фармон кучга киргунга қадар ўталган бўлиши шарт;

в) амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 5-моддаси таъсир доирасига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахслар кирмайди;

г) Фармоннинг 6-моддасига мувофиқ, ушбу Фармон қонуний кучга киргунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73, 74, 89 ва 90-моддаларига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74, 89-моддалари таъсири доирасига тушувчи шахсларга нисбатан белгиланган жазонинг ўталмай қолган муддати, уларнинг иш ҳақидан 20 фоизини давлат да-

ромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига ал-маштирилади.

Бундай қарор жазони ижро этувчи муассаса бошлиғи томонидан чиқарилади ва у прокурор томонидан санкцияланади.

Ушбу Фармоннинг 1-моддаси “д,е” бандлари, шунингдек 6-моддасини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Прокуратураси ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Жазо ўташдан озод этилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланган тартибда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориладилар.

д) ушбу Фармоннинг 9-моддасига мувофиқ жазо муддатини аввалги қисқартиришлари ҳисобга олинган ҳолда, ўташ учун қолган қисми қисқартирилади.

Фармонни қўллашда қонун билан белгиланган тартибда тугаган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жиноят ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликка тортилган шахслар ҳам судланмаган ҳисобланади. Шунингдек муқаддам эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар ёки қасддан қилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога тортилган шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

б) Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

7. Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг 1—4, 6 ва 8-моддалари қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга;

б) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 244¹, 246-моддаси 2-қисми, 247-моддаси 2, 3-қисмлари, 248-моддаси 2, 3-қисмлари, 270-моддаси 3-қисми, 271-моддаси 3-қисми, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга;

в) уюшган гуруҳ таркибида ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёхуд жиний уюшма таркибида содир этган жиноятлар учун ҳукм қилинганларга (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми “а,в” бандлари билан судланганлар: Ўзбекистон

Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 242, 244¹, 247-моддаси 2, 3-қисмлари ва 248-моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмайди.

Фармоннинг 10-моддаси манзил-колонияларга ўтказиладиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

8. Жазо ўташ тартибини мунтазам бузувчи шахслар деб, қуйидагилар ҳисоблансин:

—Фармон чиққунга қадар амал қилиш муддати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган икки ва ундан ортиқ интизомий жазога эга бўлган шахслар;

—ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум этиш тартибидеги жазога алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб тайинланган жазони ўташга юборилган, шунингдек манзил-колонияларидан бошқа тартибли колонияларга ўтказилган шахслар, башарти улар бир йилдан кам муддат ҳибсда сақланган бўлсалар;

—жазони ўташ, шунингдек ҳукм ижроси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 533-моддаси тартибида кечиктирилган ёки синов муддати давомида жиноят содир этганлар.

9. Ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг амнистия ёки афв этиш тўғрисидаги Фармонлари қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга Фармон татбиқ этилмайди.

10. Амнистия тўғрисидаги Фармон Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга, шунингдек бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

11. Тўрт ойлик муддат ўтгандан сўнг Фармонни қўллаш масаласи ушбу Низомнинг биринчи моддасида кўрсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил
30 апрелдаги “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб
эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги
Фармонини қўллаш юзасидан**

**Фармоннинг 1—3, 6, 8-моддалари қуйидагиларга нисбатан
қўлланилмайди:**

1. ЖК 150-163-моддалари—тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар;
2. ЖК 216-моддаси—фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш;
3. ЖК 216¹-моддаси—фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;
4. ЖК 216²-моддаси—диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
5. ЖК 244¹-моддаси—жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш;
6. ЖК 246-моддасининг 2-қисми—контрабанда;
7. ЖК 247-моддаси 2 ва 3-қисмлари—ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш;
8. ЖК 248-моддаси 2 ва 3-қисмлари—қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгаллик қилиш;
9. ЖК 270-моддаси 3-қисми—тақиқланган экинларни етиштириш;
10. ЖК 271-моддаси 3-қисми—гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш;
11. ЖК 272-моддаси—гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (чет эл фуқаролари бундан мустасно);
12. ЖК 273-моддаси—гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (чет эл фуқаролари бундан мустасно);
13. ЖК 15-моддасининг охириги қисми—ўта оғир жиноятларга — қасдан содир этилиб, қонун санкциясида 10 йилдан ортиқ жазо кўрсатилган бўлса (ЖК 167-моддаси 4-қисмининг “а,в” бандлари билан судланганлар, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно);

14. ЖКнинг 97-моддаси—қасддан одам ўлдириш;
15. ЖК 118-моддасининг 3 ва 4-қисмлари—номусга тегиш;
16. ЖК 119-моддасининг 3 ва 4-қисмлари—жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб файритабий усулда қондириш;
17. ЖК 210-моддаси 3-қисми—пора олиш;
18. ЖК 104-моддасининг 3-қисми—қасддан баданга оғир шикаст етказиш;
19. ЖК 34-моддасининг 2-қисми—ўта хавфли рецидивистлар;
20. ЖК 29-моддасининг 4 ва 5-қисмлари—уюшган гуруҳ, жиний уюшма.

Фармоннинг 9-моддаси қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

1. ЖК 150—163-моддалари—тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар;
2. ЖК 216-моддаси—фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш;
3. ЖК 216¹-моддаси—фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш;
4. ЖК 216²-моддаси—диний ташкилотлар туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш;
5. ЖК 242-моддаси—жиний уюшма ташкил этиш;
6. ЖК 244¹-моддаси—жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш;
7. ЖК 247-моддаси 2 ва 3-қисмлари—ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш;
8. ЖК 248-моддаси 2 ва 3-қисмлари—қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига қонунга хилоф равишда эгалик қилиш.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумлар, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг жиноят содир этган шахсларга нисбатан ушбу Фармон татбиқ этилмайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек Чернобиль АЭСдаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

д) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

е) чет эл фуқаролари.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи маротаба олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, белгиланган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазодан ўташ учун бир йилдан кам муддат қолган маҳкумлар озод қилинсин.

5. Биринчи маротаба ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Ушбу Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—ўчдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—тўртдан бир қисмига.

10. Ушбу Фармон қуйидагиларга қўлланилмасин:

—Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга;

—террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жиний уюшмаларнинг аъзоларига;

—миллий ирқий адоват кўзгатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун судланганларга (Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 242, 244, 244¹, 244² моддалари);

—жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибида жазони ўташдан озод этилгандан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга.

Бундан ташқари:

— ушбу Фармоннинг 1-моддаси «б» банди — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми), ёхуд босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддасининг 4-қисми) жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан;

— мазкур Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2—9-

моддалари — қуроллар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга нисбатан (Жиноят кодекси 247-моддасининг 2, 3-қисмлари, 248-моддасининг 2,3-қисмлари);

— ушбу Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2, 3, 5 ва 8-моддалари — уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 167-моддасининг 4-қисми «а, в» бандлари билан судланганлар бундан мустасно), ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, шунингдек гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга (Жиноят кодекси 270-моддасининг 3-қисмида, 271-моддасининг 3-қисмида, 272, 273-моддалари) ва ўта хавфли рецидивистларга нисбатан татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 август
№ ПФ-2707

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ**

№ Ф-1242

2000 йил 31 август

«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги 2000 йил 28 августдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда кўрсатилган органларга амнистия тўғрисидаги Фармонни ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари жиноий жазодан озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар тулиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек жазодан озод қилинган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминласинлар.

7. Амнистия тўғрисидаги Фармонни ўз вақтида ва тўғри ижро этилишини таъминлаш ҳамда қўллаш жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, адлия ва суд идораларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳудудий комиссиялар тузилсин.

8. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижро этилади:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

— озошлиқдан маҳрум этиш жойларида жазо ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

— ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоларини ўтаётган маҳкумларга нисбатан;

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:

— бу органларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан:

— уларнинг иш юритувида (барча инстанцияларда) жиноятлари ҳақида материаллари ва ишлари бўлган шахсларга нисбатан;

— жарима тўлашга ҳукм қилинганларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундириб олинмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

— хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан) — қисм жойлашган ҳудуддаги ҳарбий суд томонидан;

г) Ички ишлар органлари томонидан:

— қамоқда сақланмаётган, ҳукмлари қонуний кучга кириб, лекин ижро этилмаган шахсларга нисбатан;

— шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

д) интизомий қисм командири томонидан:

— интизомий қисмда жазо ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан.

2. Амнистияни қўллаш тўғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан яқка тартибда қабул қилинади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистияни қўллаш масаласини кўриб чиқиш қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар кечиктирилади. Фармонни ижро этувчи органларнинг сўровлари зудлик билан бажарилади.

Мазкур Низомнинг биринчи моддаси «а», «б», «г», «д» бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш, жазони ижро этувчи муассаса, тергов ҳибсхонаси, ички ишлар, суриштирув органларининг бошлиқлари, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Ушбу қарорларга прокурорлардан рұхсат олинади.

Амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқилишида прокурорнинг иштироки шарт.

3. Амнистия тўғрисидаги Фармон, у кучга киргунга қадар жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, амнистия тўғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида:

а) Фармоннинг 1-моддаси «а» банди таъсир доирасига Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Президиуми ва Вазирлар Маъкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорларида қайд этилган шахслар тушади;

б) Фармоннинг 1-моддаси «б» банди таъсир доирасига ёшидан қатъи назар аёллар тушади;

в) Фармоннинг 1-моддаси «в» банди таъсир доирасига 1940 йил 29 августга қадар туғилган эркаклар тушади;

г) Фармоннинг 1-моддаси «д» банди Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилади;

д) Фармоннинг 1-моддаси «е» банди таъсир доирасига миллий паспортлар ёки уларни маълум бир мамлакат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган чет эл давлати, шу жумладан МДХ мамлакати фуқаролари тушади;

е) Амнистия қўлланилаётган маҳкумларнинг фуқаролигини тасдиқловчи керакли ҳужжатлари бўлмаса, уларнинг тегишлилиги маҳкум мансуб мамлакатда ҳаракатда бўлган қонунчиликка биноан ҳал қилинади.

ж) Маҳкумнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги туғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

з) Фармоннинг 1-моддаси «е» бандига асосан жазони ўташдан озод қилинган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида бўлишлари учун қонуний асослари бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорида кўрсатилган тартибда мамлакатдан чиқариб юборилади (депортация қилинади).

и) Фармонни ижро этувчи органлар иш юритувларида чет эл фуқароларига тааллуқли ишлар бўлган тақдирда тегишли идораларга бу шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш зарурлиги ҳақида зудлик билан хабар қилишлари шарт.

й) ушбу Фармонга кўра асосий жазодан озод этилган шахслар қўшимча жазодан озод қилинмайдилар;

к) жиноят ишларини суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳаракатдан тугатиш Фармоннинг 8-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

5. Тушунтирилсинки:

а) Фармоннинг 2, 3, 5, 7-моддаларини қўллашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилади;

б) агар Фармоннинг 3, 5, 7-моддалари таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддати амнистия ёки афв этиш тартибда қисқартирилган булса, бу ҳолда ушбу Фармонни қўллаш учун лозим булган қисмлари (1/4, 1/3 ва 1/2) амалда уташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қисмлар Фармон кучга кирган кунга қадар уталган булиши шарт;

в) амнистия туғрисидаги Фармоннинг 2-моддаси таъсир доирасига эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар кирмайди;

г) Фармоннинг 4-моддаси таъсир доирасига белгиланган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазосидан Фармон чиқарилган кунга қадар уташ учун бир йилдан кам муддат қолган маҳкумлар (шу жумладан, муқаддам жазо муддатининг қисқартирилганларини ҳисобга олган ҳолда), шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазо енгилроғи билан алмаштирилган ва Фармон чиқарилган кунга қадар уташ учун бир йилдан кам муддат қолган маҳкумлар озод қилинади;

д) ушбу Фармоннинг 6-моддасига мувофиқ, мазкур Фармон кучга киргунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73, 74, 89 ва 90-моддаларига асосан жазони уташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин булган маҳкумлар озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 74, 89-моддалари таъсири доирасига тушувчи шахсларга нисбатан белгиланган жазонинг уталмай қолган муддати уларнинг иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилади.

Бундай қарор жазони ижро этувчи муассаса бошлиғи томонидан прокурорнинг рухсати билан чиқарилади. Бу материаллар судга юборилмайди;

е) ушбу Фармоннинг 9-моддасига асосан жазо муддатини аввалги қисқартирилишлари ҳисобга олинган ҳолда уташ учун қолган қисми қисқартирилади;

ж) Фармоннинг 3, 5-моддаларини қўллашда қонун билан белгиланган тартибда тугаган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Амалдаги жиноят қонунчилиги буйича жиноят

ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликка тортилган шахслар ҳам судланмаган ҳисобланади. Шунингдек муқаддам ҳаққондорлик орқасида содир этилган жиноятлари ёки қасдан содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони утаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

6. Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

1959 йил таҳриридаги, кейинги узгартириш ва қўшимчалари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддалари билан судланган шахсларга тегишли материалларни куриб чиқишда шуни эътиборга олиш лозимки, ута оғир жиноят тушунчаси ушбу кодекснинг 22-моддасида баён этилган ва кенгайтирилган маънода шарҳланиши мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, 1994 йил таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси талаблари қўлланилиши лозим.

7. Ушбу Фармон қўйидагиларга татбиқ этилмайди:

— Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар содир этган шахсларга; террористик, экстремистик ва бошқа ноқонуний ташкилотлар, жинсий уюшмаларнинг аъзоларига; миллий, ирқий адоват қўзғатиш ва жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун судланганларга (Жиноят кодексининг 150—163, 216, 216¹, 216², 242, 244, 244¹, 244² моддалари);

— жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибида жазони уташдан озод этилгандан сунг қасдан жиноят содир этган шахсларга;

— улим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларга қўлланилмайди.

Ушбу Фармоннинг 1-моддаси «б» банди — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам улдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми), ёхуд босқинчилик (Жиноят кодекси 164-моддасининг 4-қисми) жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан;

— мазкур Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2-9 моддалари — қуроллар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга нисбатан (Жиноят кодексининг 247-моддасининг 2, 3-қисмлари, 248-моддасининг 2, 3-қисмлари);

— ушбу Фармоннинг 1-моддаси «а, в, г, д, е» бандлари, 2, 3, 5 ва 8-моддалари — уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 167-моддасининг 4-қисми «а, в» бандлари билан судланганлар бундан мустасно), ута оғир жиноятлар учун судланганларга, шунингдек гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга алоқадор шахсларга (Жиноят кодекси 270-моддасининг 3-қисмида, 271-моддасининг 3-қисмида, 272, 273-моддалари) ва ута хавфли рецидивистларга нисбатан татбиқ этилмайди.

8. Жазо уташ тартибини мунтазам бузувчи маҳкумлар деб қуйидагилар ҳисоблансин:

— Фармон чиққунга қадар амал қилиш муддати тугамаган ёки олиб ташланмаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси булган маҳкумлар;

— ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб тайинланган жазони уташга юборилган, шунингдек манзил-колониялардан бошқа тартибли колонияларга қайтарилган маҳкумлар башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат утган булса;

— жазони уташ, шунингдек ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида жиноят содир этганлар.

Судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси (1959 йилдаги таҳрирда — 41-модда) қулланилган шахсларга нисбатан амнистия тўғрисидаги Фармон, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат утган булса, қулланилиши мумкин (озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони уташ жойларида жазони уташ пайтида жиноят содир этган шахслардан ташқари).

9. Амнистия тўғрисидаги Фармон Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қулланилади.

10. Турт ойлик муддат утгандан сунг Фармонни қуллаш масаласи ушбу Низомнинг биринчи моддасида курсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТЕРРОРЧИ ГУРУҲЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонга қушни булган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон булишига йул қуймаслик мақсадида ҳамда гуманистик туйғу ва интилишлардан келиб чиққан ҳолда:

1. Турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, террорчи гуруҳларга қушилиб қолган, қули қонга ботмаган, уз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон булиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

2. Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун ҳуқуқий асос булиши белгилаб қуйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қумитаси, Давлат божхона қумитаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида уз фаолиятини янада кучайтирсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари хушёрлик ва огоҳликни ошириш буйича аҳоли уртасида тушунтириш ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил 6 сентябрь ПФ-2712



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ УН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:
 - а) аёллар;
 - б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;
 - в) ногиронлар ва жазони уташга тусқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахслар;
 - г) оғир ва ута оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари.
2. Олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазоларга, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида туртдан бир қисмини утаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Ун йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини утаган шахслар жазодан озод қилинсин.
5. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини уташ учун уч йилдан кам муддат қолган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Фармоннинг I-моддасида қайд этилган шахслар томонидан

содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қурилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг қайси муддатининг уталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ун йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—учдан бир қисмига.

8. Ушбу Фармон жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмасин.

9. Мазкур Фармоннинг:

а) 1-моддаси — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан олам улдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга;

б) 3—6-моддалари — қуроллар ва гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 247-моддасининг 3-қисми, 248-моддасининг 3-қисми, 271-моддасининг 3-қисми, 272-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 4—5-қисмлари), шунингдек ута хавфли рецидивистларга;

в) 3—7-моддалари—террористик, экстремистик ташкилотлар, жинойий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга (Жиноят кодексининг 150—163, 242, 244, 244¹, 244 -моддалари);

г) 4—7-моддалари—илгари афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмасин.

10. Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-моддалари тузалиш йулига утган террористик, экстремистик ташкилотлар, жинойий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг уз қилмишига чин кунгилдан пушаймон булганлиги тасдиқланган ҳолларда қўлланиши мумкинлиги белгилансин.

11. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва турт ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 22 август № ПФ-2917

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон
қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан
амнистия тугрисида»ги Фармониغا**

Ш А Р Ҳ

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мустақиллик кунини байрам қилиш арафасида илгари содир этган жиноятлари учун жазога маҳкум этилиб, кейинчалик уз айбига иқрор, қилмишларидан астойдил пушаймон булган ва тузалиш йулига утган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш анъанага айланди.

Истиқдолнинг 10 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан, амнистияга тушадиган маҳкумлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Фармон турли жиноятга қул уриб, жазога маҳкум этилган 50 мингдан ортиқ фуқарони қамраб олади. Озодликдан маҳкум этиш жойларидан 25 мингдан ортиқ маҳкум озод қилинади. Улар орасида унча оғир булмаган жиноятларга қул урган ҳамда ҳўтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар, аёллар, вояга етмаганлар ва кексалар купчиликни ташкил қилади.

Ҳозир озодликдан маҳрум этиш жазосини утаётган аёлларнинг 70 фоиздан купроғи энди уз оилаларига қанилди. Жазо уташ жойларидан вояга етмаган ёшида жиноятга қул урганларнинг қарийб 85 фоизи, шунингдек, ногирон ёки жазони уташга тусқинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган шахсларнинг ярмидан купроғи озодликка чиқарилади. Мазкур Фармонга мувофиқ аёллар, вояга етмаганлар ва ногиронларга нисбатан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда курилмаган ишлар, баъзи жиноятлар юзасидан олиб борилаётган ишларни истисно қилган ҳолда, тугатилади.

Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг уталмай қолган жазо муддатлари сезиларли даражада қисқартирилади. Бу чора ушбу тоифадаги шахсларнинг туртдан уч қисмини қамраб олади.

Амнистия тугрисидаги Фармон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, энг аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасидаги ишлар янада кенгайтирилаётганлигининг яққол далили, жамият ва давлатимизнинг юксак даражадаги инсонпарварлиги намунасиридир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-1437

2001 йил 28 август

“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида”ги 2001 йил 22 августдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда курсатилган органларга амнистия туғрисидаги Фармонни уз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари жиной жазодан озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер руйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар тулиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек жазодан озод қилинган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминласинлар.

7. Амнистия туғрисидаги Фармоннинг уз вақтида ва туғри ижро этилишини таъминлаш ҳамда қўллаш жараёнида қонунбузарликларни олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, адлия ва суд идораларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳудудий комиссиялар тузилсин.

8. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

“Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида”ги Фармони у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда утаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади.

2. Ушбу Фармонга кура асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

3. Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Жиноят процессуал-кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида”ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

1959 йил таҳрирдаги (кейинги узгартириш ва қўшимчалари билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан судланган шахсларга тегишли материалларни куриб чиқишда “ута огир жиноят” тушунчаси, ушбу кодекснинг 22-моддасида баён этилганлиги ва уни кенгайтирилган маънода шарҳланиши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, 1994 йил таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси талабларига амал қилинади.

4. Амнистия қўллаш туғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади. Зарур маълумотлар етарли булмаган тақдирда, амнистия қўллаш масаласи қўшимча маълумотлар олингунга қадар, лекин 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатгача кечиктирилади. Фармонни ижро этувчи органларнинг суровлари зуллик билан ижро этилади.

5. Ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилиши мумкин эмас.

6. Ҳар бир маҳкумга нисбатан Фармоннинг айнан қайси моддасини қўллаш мумкинлигини аниқлашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилиши лозим.

Агар Фармоннинг таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан қилинган жазо муддатлари амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган бўлса, унда уталган ёки ушбу Фармон асосида қисқартирилиши лозим бўлган қисмлар (4/1, 3/1, 2/1) амалда уташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни инобатга олиш ҳолда ҳисобланади.

7. Муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод қилинган шахслар деганда, шундай актлар асосида суд ҳукми чиқарилмасдан туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинганларни ҳим гушуниш керак.

II. Амнистия туғрисидаги Фармонни ижро этувчи органлар

8. Фармон:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

— озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо утаётган маҳкумларга нисбатан;

— ахлоқ тузатиш иши жазосини утаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганларга нисбатан;

— Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган ва жазони уташ учун фуқаролиги буйича тегишли давлатларига юборилган шахсларга нисбатан (маҳкумни уз давлатига жунатиб юборишни амалга оширган муассаса томонидан);

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:

— бу органларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари бўлган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан:

— уларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари бўлган шахсларга нисбатан (барча инстанцияларда);

жаримага ҳукм қилинган шахсларга нисбатан, агар Фармон буйича киргунга қадар жарима ундирилмаган бўлса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

хизмат буйича чеклаш тариқасидаги жазо қулланилган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига асосан) — қисм жойлашган ҳудуддаги ҳарбий суд томонидан;

г) ички ишлар органлари томонидан:

қонуний кучга кирган ҳукмлари ижро этилмаган қamoқда бўлмаган шахсларга нисбатан;

шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

д) интизомий қисм командири томонидан:

— интизомий қисмда жазо утаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ижро этилади.

Ушбу модданинг “а”, “б”, “г”, “д” бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса, тергов ҳибсхонаси, ички ишлар, суриштирув органларининг бошлиқлари, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Мазкур қарорлар прокурор томонидан санкцияланади.

Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан куриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт.

9. Амнистия ҳақидаги Фармонни қўллаш жараёнида маҳкумга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввалги йилларда чиқарган амнистия туғрисидаги Фармонларини қўллаш учун асослар аниқланган ҳолда, бу Фармонларни қўллаш масаласи ҳам айна пайтда уларнинг ишлари (материаллари) иш юритувида булган орган томонидан навбат билан куриб чиқилади.

10. Турт ойлик муддат утганидан сунг Фармонни қўллаш масаласи ушбу Низомнинг 8-моддасида курсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

III. Амнистия туғрисидаги Фармоннинг айрим нормаларини қўллаш

11. Фармоннинг I-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ булмаган жазолардан озод этилади.

Ушбу модданинг:

- а) “а” банди таъсир доирасига ёшидан қатъи назар аёллар;
- б) “б” банди таъсир доирасига жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
- в) “в” банди таъсир доирасига:

— Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

— Фармон қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш тиббий муассасаларининг ёки яшаш жойидаги сил касалликларига қарши диспансерларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан сил касалининг актив формасига (I ва II гуруҳ диспансер ҳисобидагилар) чалинган деб топилган шахслар;

г) “г” банди таъсир доирасига:

— оғир ва ута оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари, 1946 йил 23 августга қадар туғилган эркаклар;

— оғир ва ута оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари, чет давлатлар фуқаролари ҳисобланган шахслар тушади.

Фуқароликка мансублик миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатларига биноан аниқланади. Фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар булмаган тақдирда эса, амнистия таъсирига тушувчи шахснинг доимий яшаб келган мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Амнистия таъсирига тушувчи шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик гуғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан аниқланади.

12. Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушмайдиган маҳкумлар:

— аёллар;

— вояга етмаган ёшда жиноят содир этган шахслар;

— ногиронлар ва жазони уташга тусқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган шахслар;

— 55 ёшдан ошган эркаклар;

— чет давлат фуқароларига Фармоннинг 2—5-моддалари ушбу моддаларда курсатилган асослар булган тақдирда қулланилиши мумкин.

13. Фармонга асосан жазодан озод этилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида булишлари учун қонуний асослари булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорида курсатилган тартибда мамлакатдан чиқариб юборилади (депортация қилинади).

Фармонни ижро этувчи органлар иш юритувларида чет давлат фуқароларига нисбатан ишлар булган тақдирда тегишли идораларга бу шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш зарурлиги ҳақида зудлик билан хабар қилишлари шарт.

14. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятларидан ташқари қасддан содир этган жиноятлари учун 6 йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар амнистия туғрисидаги Фармоннинг 2-моддаси таъсир доирасига тушмайди.

15. Фармоннинг 5-моддаси таъсир доирасига:

— Фармон чиқарилган кунга қадар уташ учун 3 йил ва ундан кам булган озодликдан маҳрум қилиш жазо муддати қолган маҳкумлар;

— муқаддам озодликдан маҳрум қилиш жазоси енгилроғи билан алмаштирилган маҳкумлар тушадилар.

16. Фармоннинг 6-моддасига асосан фақат Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қурилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилади.

Жиноят ишларини суриштирув, тергов ва судда амнистия тугрисидаги Фармонга асосан тугатиш жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун асос булиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган моддий зарарларни ундириш масаласи фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади.

Ушбу Фармон талабларига кура:

— Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушмайдиган шахслар томонидан содир этилган унча оғир булмаган жиноят ишлари;

— Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахсларни Жиноят кодексининг 150—163, 242, 244, 244¹, 244²-моддалари, 247-моддаси 3-қисми, 248-моддаси 3-қисми, 271-моддаси 3-қисми, 273-моддаси 4,5-қисмларида курсатилган жиноятларни содир этганликда айблаш буйича жиноят ишлари;

— Фармоннинг 1-моддаси таъсирига тушадиган ута хавфли рецидивистлар ва муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган шахслар томонидан содир этилган унча оғир булмаган жиноят ишлари тугатилмайди.

17. Фармоннинг 7-моддасига асосан 2001 йил 23 август кунидан бошлаб жазо муддатининг ҳақиқатда уталмай қолган қисми қисқартирилиши лозим.

18. Фармоннинг 8-моддасига асосан унинг таъсири жазо уташ тартибини мунтазам бузган маҳкумларга татбиқ этилмайди. Жазо уташ тартибини мунтазам бузувчилар деб:

— Фармон чиққунга қадар жазони уташ даврида берилиб, амал қилиш муддати тугамаган ва олиб ташланмаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси булган маҳкумлар;

— ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб, тайинланган жазони уташ учун юборилган, шунингдек манзил-колонияларидан бошқа тартибли колонияларга қайтарилган маҳкумлар (башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат утган булса);

— жазони уташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган шахслар ҳисобланади.

Судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қўлланилган шахсларга нисбатан амнистия туғрисидаги Фармон, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат утган булсагина қўлланилиши мумкин (озодликдан маҳрум этиш жазосини уташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслар бундан мустасно).

19. Фармоннинг 9-моддасига асосан:

а) 1-моддаси — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам улдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга;

б) 3—6-моддалари — қуроллар ва гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 247-моддасининг 3-қисми, 248-моддасининг 3-қисми, 271-моддасининг 3-қисми, 272-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 4,5-қисмлари), шунингдек, ута хавfli рецидивистларга;

в) 3—7-моддалари — террористик, экстремистик ташкилотлар, жиний уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга (Жиноят кодексининг 150—163, 242, 244, 244¹, 244²-моддалари):

г) 4—7-моддалари — илгари афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

20. Фармоннинг 10-моддасини қўллашда террористик ва экстремистик ташкилотлар, жиний уюшмаларнинг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахслар деганда, мазкур Фармоннинг 9-моддаси “в” бандида курсатиб утилган жиноятларни содир этган маҳкумларни тушуниш лозим.

Бундай шахсларга Фармоннинг 1 ва 2-моддаларини қўллашда маҳкумнинг уз қилмишига чин кунгилдан пушаймон булганлиги ҳақида жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг хулосаси олиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ УН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:
 - а) аёллар;
 - б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;
 - в) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;
 - г) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - д) биринчи марта судланган чет эл фуқаролари;
 - е) эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар.
2. Биринчи марта уч йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Иқтисодиёт ва хужалик фаолияти соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни қоплаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ун йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қурилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг уталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—туртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга—бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ута хавфли рецидивистларга, жазони уташ гартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга ҳамда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан;

б) мазкур Фармоннинг 1-моддаси — қасддан одам улдириш (Жиноят кодексининг 97-моддаси) жиноятини содир этган шахсларга;

в) мазкур Фармоннинг 1—3, 5-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга.

8. Мазкур Фармоннинг 4 ва 6-моддалари Жиноят кодексининг 150—163, 242, 244, 244¹, 244²-моддаларида курсатилган жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йулига қатъий утган шахсларга нисбатан фақат жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг уз қилмишидан амалда пушаймон булганлиги тасдиқланган ҳоллардагина қулланилиши белгилансин.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2002 йил 3 декабрь,
№ ПФ-3168*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул
қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан
амнистия туғрисида»ги Фармониغا**

Ш А Р Ҳ

Умумхалқ байрами — мустақил давлатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг ун йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амнистия туғрисидаги Фармон қабул қилинди.

Фармон озодликдан маҳрум этилганларнинг деярли барча тоифаларини қамраб олган.

Амнистияни қўллаш натижасида биринчи навбатда вояга етмаган ёшлар, ижтимоий хавфи катта булмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган шахслар озод этиладилар.

Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган йилда қабул қилинган Фармон 60 ёшга тулган шахсларга, шунингдек аёлларга уз оилаларига қайтишларига имконият яратади. Қонунларимизни бузиб, ута оғир булмаган жиноят содир қилган чет эл фуқаролари ҳам уз ватанларига тинч меҳнат билан шуғулланишлари учун қайтадилар. Бундай шахсларга нисбатан ҳали дастлабки ва суд тергови якунланмаган жиноят ишлари ҳам тугатилади.

Иқтисодиёт соҳасида, хужалик юритиш жабҳасида содир этган жиноятлари учун биринчи маротаба судланиб, етказилган зарарни қоплаган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ булмаган жазоларга ҳукм этилган шахсларнинг озод этилиши ҳам назарда тутилган.

Турли сабабларга кура, авваламбор узларининг савиясизлиги, билими ва тажрибаси етишмаслиги оқибатида уз олдига конституциявий тузумни ағдаришни мақсад қилиб қуйган экстремистик радикал диний гуруҳларнинг домига тушган шахслар ҳам озод этилади.

Бу биринчи навбатда уз қилмишларининг қанчалик оғирлигини ҳис қилиб, содир этган жиноятларидан чин кунгилдан пушаймон булганларга тааллуқлидир. Озод қилинаётган шахсларнинг яқин қариндошлари, шунингдек турар жойларидаги маҳаллалар аҳли томонидан зарур эътибор, уларнинг ҳаётда уз уринларини топишдаги иштироки, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этилганлар қаторида жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг уталмай қолган жазо муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ҳам кузда тутилган. Бундай чора таъсирига тушувчилар жазо утаётган маҳкумларнинг ярмидан ортигини ташкил қилади.

Инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби фазилатларга асосланган Фармон жаҳон демократик ҳуқуқ яратиш тажрибаси ва ўзбек миллий анъаналарини уйғунлаштирган.

Бу мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини босқичма-босқич утказилаётганлигининг, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни мутаносиб амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-1674

2002 йил 5 декабрь

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги 2002 йил 3 декабрдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда курсатилган органларга амнистия туғрисидаги Фармонни ижро этилишини белгиланган муддатда қатъий таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари жинойий жазодан озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер руйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Фармон асосида жазодан озод қилинган шахслар тулиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек жазодан озод қилинган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилишини, жазодан озод қилинган вояга етмаганларни

ота-оналарининг, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминласинлар.

7. Амнистия туғрисидаги Фармоннинг уз вақтида ва туғри ижро этилишини таъминлаш ҳамда қўллаш жараёнида қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, адлия ва суд идораларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳудудий комиссиялар тузилсин.

8. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

I. Умумий қондалар

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Фармони у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда утаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади.

2. Ушбу Фармонга кура асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

3. Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши

муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодексига узгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

1959 йил таҳриридаги (кейинги узгартириш ва қўшимчалари билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан судланган шахсларга тегишли материалларни куриб чиқишда «ута оғир жиноят» тушунчаси, ушбу кодекснинг 22-моддасида баён этилганлиги ва уни кенгайтирилган маънода шарҳланиши мумкин эмаслиги эътиборга олинishi лозим. Шунга кура, 1994 йил таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси талабларига амал қилинади.

4. Амнистия қўллаш туғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда қилинади. Зарур маълумотлар етарли булмаган тақдирда, амнистия қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олингунга қадар, лекин 2 ойдан ортиқ булмаган муддатгача кечиктирилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Фармонни ижро этувчи органларнинг суровлари зудлик билан бажарилади.

5. Улим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилиши мумкин эмас.

6. Ҳар бир маҳкумга нисбатан Фармоннинг айнан қайси моддасини қўллаш мумкинлигини аниқлашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилиши лозим.

Агар Фармоннинг таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддатлари амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган булса, унда уталган ёки ушбу Фармон асосида қисқартирилиши лозим булган қисмлар (1/5, 1/4) амалда уташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

7. Фармонни қўллашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Амалдаги жиноят қонунчилиги буйича жиноят ҳисобланмайдиган қилмишлар учун жавобгарликка тортилган шахслар ҳам судланмаган деб ҳисобланади. Шунингдек, муқаддам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлар учун, шунингдек қасдан содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазони утаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

Муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод қилинган шахслар деганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида:

- судланганлиги тугалланганлиги ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар суд томонидан белгиланган жазолардан;
- суд ҳукми чиқарилмай жиноий жавобгарликдан озод қилинганларни ҳам тушуниш керак.

II. Амнистия туғрисидаги Фармонни ижро этувчи органлар

8. Фармон:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

- озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо утаётган маҳкумларга нисбатан;
- ахлоқ тузатиш иши жазосини утаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум этилганларга нисбатан;
- шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;
- Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган ва жазони уташ учун фуқаролиги буйича тегишли давлатларга бериб юборилган шахсларга нисбатан (маҳкумни бериб юборишни амалга оширган муассаса томонидан);

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:

- бу органларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари булган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан:

- уларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари булган шахсларга нисбатан (барча инстанцияларда);
- жаримага ҳукм қилинган шахсларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундирилмаган булса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

- ҳукмлари қонуний кучга кирган, бироқ ижро этилмаган, қамоқда булмаган шахсларга нисбатан;

- хизмат буйича чеклаш тариқасидаги жазо қулланилган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан) — қисм жойлашган ҳудуддаги ҳарбий суд томонидан;

г) интизомий қисм командири томонидан:

- интизомий қисмда жазо утаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ижро этилади.

Ушбу модданинг «а», «б», «г» бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса (орган) ски тергов ҳибсхонаси бошлиғи, суриштирув органи бошлиғи, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Мазкур қарорлар прокурор томонидан санкцияланади.

Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан куриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарғ.

9. Амнистия туғрисидаги мазкур Фармонни қўллаш жараёнида маҳкумга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг олдинги йилларда чиқарган амнистия туғрисидаги Фармонларини қўллаш учун асослар аниқланган ҳолда, бу Фармонларни қўллаш масаласи ҳам айни пайтда ишлар (материаллар) иш юритувида булган орган томонидан навбат билан куриб чиқилади.

10. Уч ойлик муддат утганидан сунг Фармонни қўллаш масаласи ушбу Низомнинг 8-моддасида курсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

III. Амнистия туғрисидаги Фармоннинг айрим нормаларини қўллаш

11. Фармоннинг I-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ булмаган жазолардан озод этилади.

Ушбу модданинг:

- а) «а» банди таъсир доирасига ёшидан қатъи назар аёллар;
- б) «б» банди таъсир доирасига жиноят содир этган вақтда 18 ешга гулмаган шахслар;
- в) «в» банди таъсир доирасига Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- г) «г» банди таъсир доирасига 1942 йил 4 декабрга қадар туғилган эркеклар;
- д) «д» банди таъсир доирасига жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида булган, биринчи марта судланган, озод этилгандан сунг Ўзбекистон Республикасида булиш учун қонуний асослар булмаган чет давлатлар фуқаролари ҳисобланган шахслар;
- е) «е» банди таъсир доирасига эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар тушадилар.

12. Фуқароликка мансублик миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатларига биноан аниқланади. Фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар булмаган тақдирда эса, амнистия таъсирига тушувчи шахс доимий яшаб келган мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Амнистия таъсирига тушувчи шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик тугрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари деб, улардан фақат жиноят содир қилгунга қадар доимий руйхатдан утганлар ва ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилганлар ҳисобланади.

13. Фармонга асосан жазодан озод этилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида булишлари учун қонуний асослари булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарорида курсатилган тартибда мамлакатдан чиқариб юбориладилар (депортация).

Фармонни ижро этувчи органлар иш юритувларида чет эл фуқароларига нисбатан ишлар булган тақдирда тегишли идораларга бу шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш зарурлиги ҳақида зудлик билан хабар қилишлари шарт.

14. Амнистия тугрисидаги Фармоннинг 2-моддаси таъсир доирасига:

— биринчи марта уч йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

— эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноятлардан ташқари қасддан содир этган жиноятлар учун 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган;

— озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ булмаган жазоларга ҳукм этилган;

— синов муддати билан шартли ҳукм этилган шахслар тушадилар.

15. Амнистия тугрисидаги Фармоннинг 3-моддаси таъсир доирасига Жиноят кодексининг 167, 170—192-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, биринчи марта судланган, етказилган зарарни мазкур Фармон қабул қилинган кунга қадар ва унинг ижроси мобайнида қоплаган шахслар тушадилар.

Бундай шахсларга амнистия улар юқорида қайд этилган моддаларнинг айримлари ва Жиноят кодексининг 205, 206, 209, 301-моддалари мажмуи билан судланган ҳолларда ҳам татбиқ этилади.

16. Фармоннинг 5-моддасини қўллашда Фармоннинг 7-моддасида белгиланган истисноларни ҳисобга олган ҳолда:

— Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган;

— Жиноят кодексининг 15-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилиши лозим.

Жиноят ишларининг суриштирув, тергов босқичида ва судда амнистия туғрисидаги Фармонга мувофиқ тугатилиши шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

17. Фармоннинг 6-моддасини қўллашда 2002 йил 4 декабрь кунидан бошлаб жазо муддатининг амалда уталмай қолган қисми қисқартирилиши лозим.

18. Фармоннинг 7-моддаси «а» бандига мувофиқ унинг таъсири а) ута хавфли рецидивистларга;

б) муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

в) жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга татбиқ этилмайди.

Жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар деб,

— Фармон қабул қилингунга қадар жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан берилиб, олиб ташланмаган ва амал қилиш муддати тугамаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси бўлган маҳкумларни;

— ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб, гайинланган жазони уташ учун юборилган, шунингдек манзил-колониялардан тегишли тартибли колонияларга қайтарилганларни (башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат утган бўлса);

— жазони уташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган маҳкумларни ҳисоблаш лозим.

Судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қулланилган шахсларга нисбатан амнистия туғрисидаги Фармон, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат утган булсагина қулланилиши мумкин (озодликдан маҳрум этиш жазосини уташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслар бундан мустасно).

19. Фармоннинг 7-моддаси «в» бандига мувофиқ, унинг 1—3, 5-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

Бу тоифадаги тузалиш йулига қатъий утган шахсларга, уларнинг фуқаролиги, ёши, жинсидан қатъи назар, мазкур Фармоннинг 8-моддасида назарда тутилган қушимча шартлар мавжуд булган тақдирдагина Фармоннинг 4 ва 6-моддалари қулланилиши мумкин.

20. Фармоннинг 8-моддасига мувофиқ унинг 4 ва 6-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга қулланилиши учун мажбурий шарт сифатида

— маҳкумнинг содир этган жиноятдан чин кунгилдан пушаймонлиги туғрисидаги аризаси;

— жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан берилган маҳкумнинг амалда пушаймонлигини тасдиқловчи хулосаси;

— маҳкумнинг яқин қариндошлари, унинг яшаш жойидаги фуқароларнинг уз-узини бошқариш органининг кафиллик хати булиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг
биринчи уринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Ўзбекистон Республикасининг
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БИРИНЧИ МАРТА ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШГА СУДЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАЗО УТАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТУҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазони уташ шароитларини либераллаштириш, улар билан тарбиявий ишларни такомиллаштириш, бу ишда жамоатчилик ва фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар 2004 йилнинг 1 февралига қадар булган муддатда қолган жазо муддатини уташ учун утказилсинлар:

унча оғир булмаган жиноят содир этганлар — умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига;

ута оғир жиноят содир этганлар — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга;

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ойлик муддатда ушбу масалада барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва Бош прокуратура (Р.Қодиров) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 1-банди ижросини таъминлаш тартибини ишлаб чиқсин.

3. Бош прокуратура (Р.Қодиров) Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) билан биргаликда озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш ҳамда уни уташ тартиби ва шароитларини белгиловчи қонунчиликка узгартириш

ва қушимчаларни киритиш ҳақидаги таклифларни бир ойлик муддатда ишлаб чиқсин ва тақдим этсинлар.

4. Мазкур Фармон ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 сентябрь.*

**«Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга
судланган шахсларнинг жазо уташ шароитларини
либераллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Фармони**

Ш А Р Ҳ

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 50-моддасига биноан, биринчи марта қасддан унча оғир булмаган ва оғир жиноятлар содир этган шахслар умумий тартибли, ута оғир жиноятлар содир этганлар эса муқаддам судланганларга тенглаштирилган ҳолда, қаттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини утамоқдалар.

Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланганларни нисбатан чегараланган шароитда ва шу билан бирга муқаддам судланган шахслар билан бирга сақлаш купинча уларнинг тузалиши ва қайта тарбияланиши жараёнига салбий таъсир курсатади.

Масалан, биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахслар одатда уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида қайта тарбияланишига ижобий таъсир курсата оладиган, нисбатан мустақкамроқ оилавий ва бошқа фойдали ижтимоий алоқаларга эга буладилар. Аммо қаттиқ тартибли колонияларда жазо утаётиб улар амалдаги қонунчиликка биноан, умумий тартибли колонияларда жазо утаётганларга нисбатан қариндошлари ва яқинлари билан бир мунча кам мулоқотда булиш (учрашув, посылка, йуқлов олиш, телефон орқали сузлашиш) ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари биринчи марта судланганларнинг узоқ муддат давомида жазони ижро этиш жойларида бир неча маротаба жазо

Утаган шахслар билан бирга булишлари ҳамда бу муҳитда муқаддам судланганларнинг таъсири кенг булиши уларда келгусида жамият учун зарарли дунёқараш ривожланишига шарт-шароит яратади.

Баён этилганлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида унча оғир булмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колонияларда, ута оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса умумий тартибли колонияларда уташлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Юртбошимиз томонидан Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликларига ҳамкөрликда, бир ойлик муддатда, тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берилди.

Бир вақтнинг узида Ўзбекистон Республикаси Президенти жиноят содир этган шахсларга судлар томонидан тайинланган жазоларни камайтириш ёки бошқа тарзда енгиллаштириш буйича Конституцияда кузда тутилган ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳозирда жазо утаётган, биринчи марта судланган шахслардан унча оғир булмаган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этилганларни умумий тартибли жазони ижро этиш колонияларидан манзил-колонияларига, ута оғир жиноятлар учун эса — қаттиқ тартибли колониялардан умумий тартибли колонияларга утказиш туғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, унча оғир булмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони уташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга буладилар. Ута оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгайди.

Юқорида қайд этилган шахсларни енгилроқ тартибли колонияларга утказиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда 2004 йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИИГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ УН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ута оғир булмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо утаётган аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тулган эркаклар;
д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони уташга тусқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;

е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида булган, озод этилгандан сунг Ўзбекистон Республикасида булиш учун қонуний асослар булмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта булмаган ёки унча оғир булмаган жиноят содир этган булсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, уғалмай қолган жазо муддати икки йилдан куп булмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ун йилдан куп булмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йулига қатъий утган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда курилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг уталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — туртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ута хавфли рецидивистларга, жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳқумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1—3, 5, 6-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 декабрь,
№ ПФ-3357*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-1874

2003 йил 4 декабрь

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги 2003 йил 1 декабрдаги Фармонга биноан:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда курсатилган органларга амнистия туғрисидаги Фармонни уз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жазодан озод қилинган шахслар тулиқ ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилишини, вояга етмаганларни ота-оналарининг ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер руйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Туман ва шаҳар ҳокимлари жойлардаги прокуратура, ички ишлар идораларининг раҳбарлари фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда амнистия туғрисидаги Фармонига асосан жазодан озод этилаётган шахсларга, айниқса вояга етмаганлар ҳамда экстремистик ташкилотларининг собиқ аъзоларига нисбатан курилаётган тарбиявий таъсир чораларини узлуксизлигини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари жиноий жазодан озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

8. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қуллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

I. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун бир йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Фармони у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда утаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қулланилади.

2. Ушбу Фармонга кура асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қушимча жазолардан озод қилинмайди.

3. Амнистия туғрисидаги Фармонни қуллаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодексига узгартишлар ва қушимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

1959 йил таҳриридаги (кейинги узгартиш ва қушимчалари билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан судланган шахсларга тегишли материалларни куриб чиқишда «ута оғир жиноят» тушунчаси, ушбу кодекснинг 22-моддасида баён этилганлиги ва уни кенгайтирилган маънода шарҳланиши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши лозим. Шунга кура, 1994 йил таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси талабларига амал қилинади.

4. Амнистия қуллаш туғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда ҳал қилинади. Зарур маълумотлар етарли булмаган

тақдирда амнистия қўллаш масаласи қушимча ҳужжатлар олингунга қадар, лекин 2 ойдан ортиқ булмаган муддатгача кечиктирилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Фармонни ижро этувчи органларнинг суровлари зудлик билан бажарилади.

5. Улим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилиши мумкин эмас.

6. Ҳар бир маҳкумга нисбатан Фармоннинг айнан қайси моддасини қўллаш мумкинлигини аниқлашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилиши лозим.

Агар Фармоннинг таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддатлари амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган булса, унда уталган ёки ушбу Фармон асосида қисқартирилиши лозим булган қисмлар (1/5, 1/4) амалда уташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

7. Фармонни қўлашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Амалдаги жиноят қонунчилиги буйича жиноят ҳисобланмайдиган қилмишлар учун жавобгарликка тортилган шахслар ҳам судланмаган деб ҳисобланади. Худди шундай, муқаддам эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятлари учун, шунингдек қасддан содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ булмаган жазони утаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

Муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод қилинган шахслар деганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида

— судланганлиги тугалланганлиги ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар суд томонидан белгиланган жазолардан;

— суд ҳукми чиқарилмай жиноий жавобгарликдан озод қилинганларни тушуниш керак.

II. Амнистия тўғрисидаги Фармонни ижро этувчи органлар

8. Фармон:

а) жазони ижро этувчи органлар томонидан:

— озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо утаётган маҳкумларга нисбатан;

— ахлоқ тузатиш иши жазосини утаётган, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилганларга нисбатан;

— шартли ҳукм қилинганларга нисбатан;

— Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган ва жазони уташ учун фуқаролиги буйича тегишли давлатларга бериб юборилган шахсларга нисбатан (маҳкумни бериб юборишни амалга оширган муассаса томонидан);

б) суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан:

— бу органларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари булган шахсларга нисбатан;

в) судлар томонидан:

— уларнинг иш юритувида жиноятлари ҳақидаги ишлари ва материаллари булган шахсларга нисбатан (барча инстанцияларда);

— жаримага ҳукм қилинган шахсларга нисбатан, агар Фармон кучга киргунга қадар жарима ундирилмаган булса (ҳукм чиқарган суд томонидан);

— ҳукмлари қонуний кучга кирган, бироқ ижро этилмаган, қамоқда булмаган шахсларга нисбатан;

— хизмат буйича чеклаш тариқасидаги жазо қўлланилган шахсларга нисбатан (ҳарбий қисм командирининг тақдимномасига биноан) — қием жойлашган ҳудуддаги ҳарбий суд томонидан;

г) интизомий қисм командири томонидан:

— интизомий қисмда жазо утаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ижро этилади.

Ушбу модданинг «а», «б», «г» бандларида қайд этилган органлар томонидан Фармонни қўллаш жазони ижро этувчи муассаса (орган) ёки тергов ҳибсхонаси бошлиғи, суриштирув органи бошлиғи, терговчи, шунингдек интизомий қисм командирининг қарори асосида амалга оширилади. Мазкур қарорлар прокурор томонидан санкцияланади.

Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш масаласини судлар томонидан куриб чиқишда прокурорнинг иштироки шарт.

9. Амнистия туғрисидаги мазкур Фармонни қўллаш жараёнида маҳкумга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг олдинги йилларда чиқарган амнистия туғрисидаги Фармонларини қўллаш учун асослар аниқланган ҳолда, бу Фармонларни қўллаш

масаласи ҳам айни пайтда ишлар (материаллар) иш юритувида булган орган томонидан навбат билан куриб чиқилади.

10. Уч ойлик муддат утганидан сунг Фармонни қуллаш масаласи ушбу Низомнинг 8-моддасида курсатилган органлар томонидан ҳал этилади.

III. Амнистия туғрисидаги Фармоннинг айрим нормаларини қўллаш

11. Фармоннинг 1-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ булмаган жазолардан озод этилади.

Ушбу модданинг:

а) «а» банди таъсир доирасига ёшидан қатъи назар аёллар, башарти улар биринчи марта содир этган жинояти учун жазо утаётган булсалар;

б) «б» банди таъсир доирасига жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;

в) «в» банди таъсир доирасига Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) «г» банди таъсир доирасига 1943 йил 2 декабрга қадар туғилган эркаклар;

д) «д» банди таъсир доирасига Фармон қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан сил касалининг актив формасига (I ва II гуруҳ диспансер ҳисобидагилар) чалинган деб топилган шахслар;

е) «е» банди таъсир доирасига жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида булган, озод этилгандан сунг Ўзбекистон Республикасида булиш учун қонуний асослар булмаган чет давлатлар фуқаролари ҳисобланган шахслар тушади.

11.1 Фуқароликка мансублик миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, шу жумладан тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатларига биноан аниқланади. Фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар булмаган тақдирда эса, амнистия таъсирига тушувчи шахс доимий яшаб келган мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Амнистия таъсирига тушувчи шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги гуғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари деб, улардан фақат жиноят содир қилгунга қадар доимий руйхатдан утганлар ва ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси берилганлар ҳисобланади.

11.2 Фармонга асосан жазодан озод этилган чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида булишлари учун қонуний асослар булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қароридан курсатилган тартибда мамлакатдан чиқариб юбориладилар (депортация).

Фармонни ижро этувчи органлар иш юритувларида чет эл фуқароларига нисбатан ишлар булган тақдирда тегишли идораларга бу шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш зарурлиги ҳақида зудлик билан хабар қилишлари шарт.

12. Фармоннинг 2-моддаси таъсир доирасига, уларга тайинланган жазо тури ва меъёридан қатъи назар

- эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар;
- биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта булмаган ёки унча оғир булмаган жиноят содир этган булсалар, тушадилар.

13. Фармоннинг 3-моддаси таъсир доирасига, содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъёридан қатъи назар, Фармон эълон қилинган кунга қадар уталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп булмаган биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар тушади.

14. Фармоннинг 4-моддаси таъсир доирасига, экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлари учун ун йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ҳамда Махсус комиссия, Олий суд, Бош прокуратура, ИИВ ва МХХ хулосаларига асосан қилмишларидан чин кунгилдан пушаймон булган, тузалиш йулига қатъий утган деб топилган шахслар тушади.

15. Фармоннинг 5-моддасини татбиқ этишда, Фармоннинг 7-моддасидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда:

— Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган, ижтимоий хавфи катта булмаган, унча оғир булмаган ёки оғир жиноятлар;

— Жиноят кодексининг 15-моддаси билан ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар туркумига киритилган барча жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қурилмаган ишлар тугатилиши лозим.

Жиноят ишларининг суриштирув, тергов босқичида ва судда амнистия туғрисидаги Фармонга мувофиқ тугатилиши шахсни жинойий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бундай шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

Фармоннинг 1-моддаси таъсири доирасига тушмайдиган унча оғир булмаган жиноятлар содир этганликда айбланувчи шахсларга нисбатан жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилмайди. Уларни тергов қилиш ва судда қуриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади. Башарти шахс айбланаётган жинойий қилмишда айбдор деб топилса, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПК 463-моддаси 3 қисмининг 1-банди талабига асосан ҳукм чиқаради.

16. Фармоннинг 6-моддасини қўллашда 2003 йил 2 декабрь кунидан бошлаб жазо муддатининг амалда уталмай қолган қисми қисқартирилиши лозим.

17. Фармоннинг 7-моддаси «а» бандига мувофиқ унинг таъсир доирасига

а) ута хавфли рецидивистлар;

б) муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахслар;

в) жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар тушмайдилар.

17.1. Жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахслар деб,

— Фармон қабул қилингунга қадар жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан берилиб, олиб ташланмаган ва амал қилиш муддати тугамаган икки ёки ундан ортиқ интизомий жазоси булган маҳкумларни;

— ахлоқ тузатиш ишлари жазоси озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилган, ҳукмнинг шартлилиги бекор қилиниб, ғайинланган жазони уташ учун юборилган, шунингдек манзил-колониялардан тегишли тартибли колонияларга қайтарилганларни (башарти улар ҳибсга олинган кундан бошлаб бир йилдан кам муддат утган булса);

— жазони уташ, ҳукм ижроси кечиктирилган ёки синов муддати давомида қасддан жиноят содир этган маҳкумларни ҳисоблаш лозим.

Судлар томонидан Жиноят кодексининг 60-моддаси қулланилган шахсларга нисбатан амнистия туғрисидаги Фармон, башарти ҳукм кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ муддат утган булсагина қулланилиши мумкин (озодликдан маҳрум этиш жазосини уташ даврида қасддан жиноят содир этган шахслар бундан мустасно).

18. Фармоннинг 7-моддаси «б» бандига мувофиқ, унинг 1—3, 5, 6-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирининг
биринчи уринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Миллий хавфсизлик
хизмати раиси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ УН ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ута оғир булмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо утаётган аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тулмаган шахслар;
в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тулган эркаклар;
г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида булган, озод этилгандан сунг Ўзбекистон Республикасида булиш учун қонуний асослар булмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта булмаган ёки унча оғир булмаган жиноят содир этган булсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони уташга гусқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам

Ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум эгиш жазосига ҳукм қилиниб, уталмай қолган жазо муддати икки йилдан куп булмаган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам улдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йулига қатъий утган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи катта булмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда курилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг уталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ булмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — туртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ута хавфли рецидивистларга, жазони уташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1—4, 6, 7-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 декабрь
№ ПФ 3515*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

№ Ф-2087

6 декабрь 2004 йи.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун икки йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги 2004 йил 1 декабрдаги Фармонга мувофиқ:

1. Ушбу Фармонни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Низомда курсатилган органларга амнистия туғрисидаги Фармонни уз вақтида ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мазкур Фармоннинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жазодан озод қилинган шахслар тулик ҳисобга олинишини ва уларнинг ишга жойлаштирилишини, шунингдек ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилишини, вояга етмаганларни ота-оналарининг ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топширилишини, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа тегишли органлар билан биргаликда жазодан озод қилинган биринчи ва иккинчи гуруҳ диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этсинлар.

6. Туман ва шаҳар ҳокимлари жойлардаги прокуратура, ички ишлар идораларининг раҳбарлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда амнистия туғрисидаги Фармонга асосан жазодан озод этилаётган шахсларга, айниқса вояга етмаганлар ҳамда экстремистик ташкилотларнинг собиқ аъзоларига нисбатан курилаётган тарбиявий таъсир чораларининг узлуксизлигини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари жинойи жазодан озод қилинган чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда мамлакат ҳудудидан чиқариб юбориш масаласини ҳал қилсинлар.

8. Ушбу Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун икки йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қўллаш тартиби ҳақида

Н И З О М

I. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ун икки йиллиги муносабати билан амнистия туғрисида»ги Фармони у кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда утаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади.

2. Ушбу Фармонга кура асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

3. Амнистия туғрисидаги Фармонни қўллаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини амалга киритиш тартиби туғрисида» ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик туғрисидаги кодексига узгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби туғрисида»ги Қарори талабларига риоя этиш зарур.

1959 йил таҳриридаги (кейинги узгартиш ва қўшимчалари билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан судланган шахсларга тегишли материалларни куриб чиқишда «ута оғир жиноят» тушунчаси ушбу кодекснинг 22-моддасида баён этилганлиги ва уни кенгайтирилган маънода шарҳланиши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши лозим. Шунга кура, 1994 йил таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддаси талабларига амал қилинади.

4. Амнистия қўллаш туғрисидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда қабул қилинади. Зарур маълумотлар етарли булмаган тақдирда амнистия қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олингунга

қадар, лекин 2 ойдан ортиқ булмаган муддатгача кечиктирилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Фармонни ижро этувчи органларнинг суровлари зудлик билан бажарилади.

5. Улим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилиши мумкин эмас.

6. Ҳар бир маҳкумга нисбатан Фармоннинг айнан қайси моддасини қўллаш мумкинлигини аниқлашда суд ҳукми билан тайинланган жазо муддатидан келиб чиқилиши лозим.

Агар Фармоннинг таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддатлари амнистия ёки афв этиш тартибида қисқартирилган булса, унда уталган ёки ушбу Фармон асосида қисқартирилиши лозим булган қисмлар ($1/3$, $1/4$) амалда уташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

